

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**  
**ҚАРШИ МУХАНДИСЛИК ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ**  
**ИҚТИСОДИЁТ ФАКУЛЬТЕТИ**

**« МЕНЕЖМЕНТ » кафедраси**

**«ХИМОЯГА ТАВСИЯ ЭТИЛАДИ»**

«Менежмент» кафедраси мудири  
\_\_\_\_\_ и.ф.д. Х.С. Мухитдинов

« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2013 йил

**« ТАСДИҚЛАЙМАН »**

«Иқтисодиёт» факультети  
декани \_\_\_\_\_ и.ф.д. А.Ф.Хуррамов

5340200-“Менежмент” йўналиши кундузги бўлим IV курс, МЖ–466 гуруҳ талабаси Субхонов Суннатилло Сайимовичнинг “Сув ресурсларидан фойдаланиш ижтимоий - иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили” мавзусида

## **БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

---

**БАЖАРДИ:** “Менежмент» (тармоқ ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши битирувчи IV -курс талабаси Субхонов С.

**ИЛМИЙ РАҲБАР:**  
**А. Рахимов.** “Менежмент” кафедраси катта ўқитувчиси

Битирув малакавий иши кафедрада дастлабки химоядан ўтди  
\_\_\_\_\_ сонли баённома « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2013й.

**ҚАРШИ – 2013 йил**

## МУНДАРИЖА

### КИРИШ-----

#### **1-БОБ СУВ РЕСУРСЛАРИ ВА УНИНГ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИДА УРНИ ВА АҲАМИЯТИ.**

1.1. Сув ресурсларининг роли ва улардан халқ хўжалигида комплекс фойдаланиш-

1.2. Ирригация тизимлари ҳавза бошқармасининг вазифалари ҳуқуқлари ва мажбуриятлари-----

1.3. Сув истеъмолчи уюшмаларини ташкил қилиш ва уларнинг қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги ўрни-----

#### **II – БОБ. СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИЖТИМОЙ - ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ ТАҲЛИЛИ.**

2.1. Сув хўжалиги тизимини бошқариш ва уни такомиллаштириш-----

2.2. Сув истеъмолчилар уюшмасининг техник иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили.-

#### **III БОБ. СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙУЛЛАРИ**

3.1. Сув танқислиги шароитида сув ресурсларидан самарали фойдаланиш истиқболлари-----

3.2. Сувдан фойдаланиш таркибини мувофиқлаштиришнинг асосий жиҳатлари----

3.3 Хорижий мамлакатларда хўжалик ичида сувдан фойдаланишнинг ташкил этилиши.-----

### ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР-----

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР-----

## КИРИШ

**Мавзунинг долзарблиги.** Республикамизда амалга ошириладиган иқтисодий ислохотлар йирик иқтисодий ночор хўжаликларни тугатиш ва уларнинг ерларини фермер хўжаликларга беришни тақозо этади. Бундай хўжаликларнинг тугатилиши билан уларнинг жамоат мулкчилигига мўлжалланган агротехника, ирригация-мелиорация хизмати ва бошқа инфраструктуралари ҳам тугатилади. Бу эса олдин мавжуд бўлган жамоат мулкчилигига мўлжалланган инфраструктуралар ўрнига фермер хўжаликлари тарзида шаклланаётган ердан фойдаланиш тизимига жавоб берадиган янги шаклдаги структуралар тузилмасини ташкил қилишни талаб этади.

Йирик ширкат хўжаликлари ўзларининг хўжалик ички суғориш тармоқларини бошқарув тизимига эга бўлган ҳолда, деҳқон ва фермер хўжаликларида сувни тақсимлаш ирригация-мелиорация шохобчаларини ушлаб туриш ва таъмирлаш, айниқса, фермерлараро сув тақсимлашда қийин вазиятларга дуч келмоқдалар. Хорижий давлатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, коператив ва фермер хўжаликларида сувдан фойдаланишни ташкил қилишнинг энг мақбул шакли фермерлар ўзлари тузадиган, бошқарадиган ва уларнинг бадали ҳисобидан молиялаштириладиган сув истеъмолчилари уюшмалари (СИУ)дир. Сувдан фойдаланишни ташкил этишнинг бундай шакли ирригация-мелиорация тармоқларини эксплуатация қилиш сифатини яхшилайти ва сарф-харажатларни камайтиради, сувдан оқилона ва тежамли фойдаланишни таъминловчи самарали механизмни яратади, бу эса пировард натижада фермерлар даромадининг ошишига олиб келади.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётини барқарорлаштириш кўп жиҳатдан мавжуд суғорма деҳқончилик ва сув ресурслари салоҳиятидан самарали фойдаланиш даражасига боғлиқдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Ўзбекистон қадимдан суғорма деҳқончилик мамлакати бўлиб келган. Суғорма деҳқончилик озиқ-овқат соҳасида республика мустақиллигининг негизи ва асосий экспорт маҳсулотининг манбаидир”.<sup>1</sup>

Сув ресурслари танқислиги шароитида сувни тежаб сарфлаш, сув манбаларидан фойдаланиш самардорлигини ошириш, сувнинг ерга шимилиб исроф бўлишини олдини олиш талаб этади. Мавжуд суғориш усулларининг мукамал эмаслигидан суғоришга бериладиган сувдан фойдаланиш даражаси пастлигича қолмоқда. Далаларни нотекис намланишига, суғориш меъёрларининг кўтарилиб кетишига, ерларнинг шўрланиш ва ботқоқланишига асос солинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2009 йилнинг якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек: “Яна бир устувор йўналиш ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш дастурини амалга ошириш доирасида 2009 йилда 840 километрлик коллектор-дренаж тармоқлари, 250 та дренаж кудуклар, 15 та мелиорация насос станциялари ва иншоотлари қурилди ҳамда реконструкция қилинди. Ўтган йили ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш учун 130 миллиард сўм маблағ йўналтирилди.

Натижада 240 минг гектардан ортиқ суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди ва бу қишлоқ хўжалик экинлари ҳисолдорлигини, фермер хўжаликларининг даромадини ошириш имконини беради”.<sup>2</sup>

Маълумки, ҳозирги кунда қишлоқ хўжалиги ҳудудида фаолият кўрсатаётган турли мулк эгалари орасида сув тақсимотини бошқариш, ирригация-мелиорация тармоқларини ишлатиш, таъмирлаш, техник ҳолатини такомиллаштириш, етиштириладиган маҳсулот бирлигига

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1999. 617 б.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Асосий вазифамиз-ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи, 2010 йил 30 январ

сарфланаётган сув микдорининг ҳисоб-китобини яхши йўлга қўйиш бозор муносабатлари шароитида энг асосий омиллардан бири саналади.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида аграр тармоқда сув ресурсларидан самарали фойдаланиш йўллари: ёппасига суғоришни, агат олиб суғоришни, ёмғирлатиб суғоришни, томчилатиб суғоришни, ер остидан суғоришнинг иқтисодий асосларини ишлаб чиқиш ва бозор механизмларини жорий этиш бугунги кундаги долзарб иқтисодий муаммоларини ечимини топишдан иборат.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Иқтисодиётни эркинлаштириш босқичида мамлакат худудларида қишлоқ хўжалигини сув билан таъминлаш, сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича муаммолар долзарблиги ўз аксини топмоқда. Шу борада қишлоқ хўжалик корхоналари ривожлантиришда сув ва сув хўжалигининг аҳамияти катта. Бу ҳақида хорижий мамлакатлар иқтисодчи олимлари А.В. Ворокевский, Н.Д. Колесов, А.А. Маркин, Ларена Гитман, Майкл Жонснинг тадқиқотларида илмий амалий жиҳатлари асослаб берилган.

Республикамызда тадқиқот ишларини олиб бораётган етакчи олимлар У.П.Умирзоқов, А.Султонов, Р.Юсупов, А. Абдуғаниев, З.С.Шохужаева ва бошқаларнинг илмий ишларида мамлакатимизга сувдан фойдаланишни ташкил этиш ва унинг самарадорлиги муаммолари ўрганилган.

**Битирув малакавий ишининг мақсади ва вазифалари.** Ишнинг мақсади мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим ўрин эгаллаган қишлоқ хўжалигинини ривожлантиришда сув хўжалигининг урни ва унинг қай даражада ташкил этилганлигини ўраниш, таҳлил қилиш ва уни янада такомиллаштириш бўйича таклифлар, тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун ўз олдимизга қуйидаги вазифаларни қўйдик:

- сув хўжалиги ва иқтисоднинг назарий асосларини ўрганиш;
- қишлоқ хўжалигида сув хўжалиги ва ташкил этувчи ташкилотларнинг ҳуқуқий асосларини ўрганиш;
- сув хўжалигининг иқтисодий самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни ўраниш ва аниқлаш;
- сув хўжалиги ташкилотларининг асосий ва айланма капитал маблағларини таҳлил қилиш;

**Битирув малакавий ишининг предмети ва объекти.** Битирув малакавий ишнинг предмети бўлиб, сув хўжалигини ривожлантириш, хусусан вилоят ва унинг туманларида бу соҳада капитал билан боғлиқ бўлган муаммолар ва жараёнлар мажмуаси ҳисобланади. Ишнинг объекти бўлиб, Бухоро вилояти худудидаги Аму-Коракўл Ирригация тизим ҳавза бошқармаси ҳисобланади

**Битирув малакавий ишнинг назарий ва услубий асослари** бўлиб Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг сувхўжалигини ривожлантириш, сув истеъмолчиларининг ҳуқуқини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлари ва асарлари, Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг сув хўжалигини ривожлантириш бўйича қабул қилган қарорлари, аграр ишлаб чиқаришда сув ихўжалиги жараёнларини ўрганиш ва бошқариш бўйича ватанимиз ва хорижий иқтисодчи олимларнинг илмий изланишлари, ҳамда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлигининг маълумотлари ҳисобланади. Битирув малакавий ишини ёзишда қиёсий таҳлил, хўжалик маълумотларни жадвал ва график усулда тавсирлаш каби усулларидан фойдаланилди.

**Битирув малакавий ишининг амалий аҳамияти.** Битирув малакавий ишини тайёрлаш жараёнида берилган тавсия ва хулосалардан ҳамда статистик маълумотлардан сув хўжалиги корхоналарининг иш юритиш фаолиятида фойдаланиш мумкин.

**Ишнинг тузилиши:** Битирув малакавий иши кириш, уч боб, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

## **1-БОБ. СУВ РЕСУРСЛАРИ ВА УНИНГ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИДА УРНИ ВА АҲАМИЯТИ.**

## 1.1. Сув ресурсларининг роли ва улардан халқ хўжалигида комплекс фойдаланиш.

Мамлакатимиз иқтисодий ривожланишини таъминлашда сув ресурслари ғоят катта роль ўйнайди. Сув ресурслари табиат ресурслари орасида алоҳида ўрин тутати ва аҳамиятига кўра бекиёсдир. Сув халқ хўжалигининг барча тармоқларида ва аҳолининг ҳаёт фаолиятида ишлатилади. Бунда табиий ресурслардан фойдаланиш характери ва турлари хилма-хилдир. Айниқса, суғорма деҳқончиликни ривожлантириш мамлакат иқтисодини мустаҳкамлашда алоҳида ўрин тутати. Шунинг учун ҳам халқимиз орасида «Сув бор-ҳаёт бор, сув тамом бўлган жойда ҳаёт тугайди» деб бежиз айтилмаган.

Марказий Осиё мамлакатларини сув билан таъминлаб турадиган асосий сув захиралари Чотқол, Помир-Олой ва Тяньшан тизма тоғларида жойлашган, улар доимий музликлар шаклидадир. Марказий Осиё давлатлари сув захираларининг 70-80% Тожикистон, Қирғизистон ва Қозоғистон давлатларини тоғли ўлкалари ҳудудларида жойлашгандир. Ҳозирги кунда Марказий Осиё давлатларининг Орол денгиз ҳавзасига қарашли қисмида 8 млн. гектар атрофида ер суғорилади. Ҳудди шу ҳудудда бир йилда ичимликка ва суғориш учун яроқли 126,9 млрд. м<sup>3</sup> сув пайдо бўлади. Бу ҳудудда пайдо бўладиган сувнинг ҳажми ҳар бир гектар суғориладиган ер ҳисобига 15750 м<sup>3</sup> дан тўғри келади. Агарда бир гектар ерга пахта экиб, ундан ўртача 25-30 центнер ҳосил олинадиган бўлса, бир гектар ерни суғориш учун манбадан олинадиган сувнинг ҳажми камида 10 минг м<sup>3</sup>ни ташкил қилади. Бундан келиб чиқиб хулоса қилинадиган бўлса бу ҳудудларда жуда кўп сув сарф қилиш эвазига деҳқончилик қилинади, масалан, Ўзбекистон Республикасида бир йилда ўртача 67 млрд. м<sup>3</sup> сув истеъмол қилинади, шундан 50 миллиард м<sup>3</sup> суғорма деҳқончилик учун сарфланади. Ҳар бир гектар суғориладиган ерга ўртача 11-12 минг м<sup>3</sup> сув сарфланади.

Ўзбекистоннинг ўз ҳудудида ташкил бўладиган сувнинг умумий ҳажми 8-10 млрд. м<sup>3</sup> дан ошмайди, яъни, ҳар бир гектар суғориладиган ер ҳисобига тахминан 1000 м<sup>3</sup> сув барпо бўлади. Бундан келиб чиқиб хулоса қиладиган бўлсак-Ўзбекистон ярим саҳро ва саҳро минтақасида жойлашганлиги сабабли ўз ҳудудида сув танқислиги ўта кучли ҳисобланади. Демак, мамлакатимизда истеъмол қилинадиган сувнинг 80% дан кўпроғи Қирғизистон ва Тожикистон ҳудудидан оқиб келади. Мамлакатимиз ҳудудида сув билан таъминланганлик даражаси қуйида (1.1.1-жадвал) келтирилган.

### 1.1.1-жадвал

#### Республикамизда ер ва сув ресурслар билан таъминланганлик даражаси, 2012 йил

Вилоятлар	Аҳоли жон бошига тўғри келади		1 гектар суғориладиган ерга тўғри келади, минг м <sup>3</sup>
	Суғориладиган ерлар, га	Сув ресурслари, минг м <sup>3</sup>	
Қорақалпоғистон Республикаси	0,31	5,1	16,6
Андижон	0,12	1,21	16,5
Бухоро	0,18	2,80	14,7
Жиззах	0,29	3,0	9,0
Қашқадарё	0,21	2,70	11,1
Навобий	0,15	2,5	13,4
Наманган	0,11	1,50	9,4
Самарқанд	0,13	1,40	9,8
Сурхондарё	0,17	2,0	14,1
Сирдарё	0,43	5,0	10,5
Тошкент	0,16	1,20	8,8
Фарғона	0,13	1,54	12,6
Хоразм	0,19	3,25	18,5
ЖАМИ	0,17	2,0	12,2

Сувнинг мамлакат ҳудуди бўйича тақсимланишидаги нотекислик унинг мавсумий ўзгаришлари туфайли кучайиб боради. Сув баланси ва унинг йил, фасллари бўйича тақсимланишига дарёларнинг сув билан таъминланиш характери катта таъсир кўрсатади.

Мамлакатимиз кўпчилик дарёлари учун асосий манба тоғлардаги қордир. Бундай районларда асосий сув оқими баҳор фаслига тўғри келади. Амударё ва Сирдарё учун асосий сув манбаи музликлар ҳисобланади, сувнинг катта қисми ёз фаслида оқади. Дарё сувларининг йил фасллари бўйлаб ноқулай тақсимланиши сув ресурсларидан фойдаланишни қийинлаштиради ва хўжалик балансларида тангликни вужудга келтиради. Чучук сув танқислиги сув ресурсларнинг асосий қисми экинларни суғоришга кетадиган қурғоқчил минтақада айниқса кескин сезилади. Сув танқислигини қисқартириш, таъминотини яхшилаш мақсадида Орол денгизи ҳавзасида қатор сув омборлари ва бир қанча йирик каналлар қурилди. Буларга сув сифими 20 млрд. м<sup>3</sup> келадиган Норин дарёсига қурилган Токтагул сув омбори, ҳар бири 2 млрд. м<sup>3</sup> сув сиғдирадиган Андижон ва Чорвоқ сув омборлари, 4 млрд м<sup>3</sup> ҳажмига эга Қайраққум сув омбори, 3,75 млрд м<sup>3</sup> сув сиғдирадиган «Чордора» сув омбори Сирдарё ҳавзасида, 10 млрд. м<sup>3</sup> ҳажмига эга бўлган Амударё ҳавзасидаги Нурак ва Туямуюн сув омборлари, 2 млрд. м<sup>3</sup> сув сифимига эга бўлган Талиморжан сув омборининг қурилиши бутун Орол денгизи ҳавзасида ташкил топадиган сув танқислигини бирмунча юмшатишига олиб келади. Мамлакат вилоятларида сув таъминотини яхшилаш мақсадида бир қанча йирик каналлар қурилди. Булар жумласига «Катта Фарғона», «Катта Андижон», «Катта Наманган» каналлари Фарғона водийсида, «Жанубий Мирзачўл» канали Жиззах ва Сирдарё вилоятларида, «Паркент» ва «Тошкент» каналлари Чирчиқ дарёси воҳасида қурилди.

Амударё воҳасида «Қарши магистрал» канали, «Аму–занг», «Амубухоро» канали, «Қорақум» ва бошқа қатор каналлар қурилди.

Буларнинг ҳаммаси қишлоқ хўжалигини, энергетикани, саноат ва халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида мавжуд сув захираларини тартибга солиш ва улардан тўғри фойдаланишни йўлга қўйишига қарамасдан тармоқларни сув билан таъминлашни урдасидан чиқа олмаяпти. Шунинг учун ҳам саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши тараққиётининг юксак суръатлар билан ривожланишининг ички районларнинг иқтисодий ривожланишига жалб этилиши ер усти сув захираларидан анча оқилона фойдаланиш ва уларни қайта тақсимлашни яхши йўлга қўйилишини талаб этади. Бунинг учун эса сув хўжалиги тадбирларини ҳал этишда комплекс ёндошув зарур бўлади. Сув ресурсларидан комплекс фойдаланиш нафақат дарёлар, ҳавзалари бўйича балки вилоятлар бўйича ҳам кўриб чиқилиши керак. Бунда табиий муҳитнинг таркибий қисми бўлган сув ресурслари моддий табиий ресурсларни оқилона ихтисослаштириш ҳамда улардан самарали фойдаланиш асосида халқ хўжалик тармоқларини ҳудуд жиҳатдан ташкил этишни шартлайди.

Сув ресурсларнинг вужудга келаётган танқислиги шароитида сувга бўлган эҳтиёжни қондиришнинг минтақа кўламидаги тавсияларни ишлаб чиқиш сув хўжалига комплексининг асосий вазифасидир. Мантақа сув ресурслардан комплекс фойдаланиш тармоқларидан ҳар бирида сувни асосли тарзда тақсимлаш мақсадида тузилган сувдан оқилона фойдаланишнинг ягона тармоқлараро схемаси бўйича амалга оширилади. Деярли, барча йирик ҳавзаларда сув хўжалигини ривожлантириш ҳолатини ва истиқболларини ҳарактерловчи сув хўжалиги схемалари мавжуддир.

Орол денгизи сув ҳавзаси чучук сувларнинг катта захираларига эга бўлиб, сув ресурслари умумий минтақалари бўйича дунёда олдинги ўринларда туради. Сув ресурсларининг асосий қисми дарёлар сувига тўғри келади. Дарёлар сувининг ўртача кўп йиллик катталиги йилига 126 млрд м<sup>3</sup>ни ташкил этадики, бу киши бошига йилига 17 минг м<sup>3</sup> сув тўғри келади. Сувларнинг кўпгина ресурслари йирик тоғ музликлари ва ер ости ҳавзаларидадир. Чучук ва кам минераллашган ер ости сувларининг ишлатиладиган ресурслари 65 км<sup>3</sup> дир.

Лекин сув ресурслари Орол денгизи ҳудудида жуда нотекис тақсимланган. Уларнинг 80% га яқини ҳозирча кам ўзлаштирилган ва қишлоқ хўжалиги табиий ёғинлар ҳисобига ривожлана оладиган тоғли шарқий районларга тўғри келади. Айни вақтда аҳоли саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг 80% жойлашган ғарбий ва жанубий районларги сув ресурсларининг 12% и тўғри келади.

Саноатнинг ривожланиши, қишлоқ хўжалигини интенсивлаш даражасининг юксалиши, аҳоли сонининг ўсиши билан чучук сув истеъмоли йил сайин ошиб бормоқда. 1950 йилда

умумий сув олиш мамлакат бўйича 40 км<sup>3</sup> ни ташкил этган бўлса, 1960 йилда 50 км<sup>3</sup> ни, 1970 йилда 55 км<sup>3</sup> ни, 1980 йилда 57 км<sup>3</sup> ни, 1985 йилда 60 км<sup>3</sup> ни, ва 2002 йилда эса 56 км<sup>3</sup> ни ташкил этди. Сув истеъмоли жадал суръатларда кўпайиб бормоқда, 50 йил ичида у 1,5 марта ўсди. Яқин келажакда сувга бўлган эҳтиёж янада ошади.

Республикамизда аҳоли жон бошига ва қишлоқ хўжалик ерлари бирлигига ҳисоблаганда сув ресурслари билан таъминланганлиги қуйидаги (1.1.2-жадвал) келтирилган.

#### 1.1.2-жадвал

#### Ер ва сув ресурслари билан таъминланлиги (2012 йил)

Вилоятлар	Аҳоли жон бошига тўғри келади		Сув ресурслари бир гектар қишлоқ хўжалиги ерларига тўғри келади, минг м <sup>3</sup>
	Қишлоқ хўжалиги ерлари, гектар	Сув ресурслари, м <sup>3</sup>	
Қорақалпоғистон Республикаси	3,38	5214	1,5
Андижон	0,11	1363	12,6
Бухоро	1,94	2834	1,5
Жиззах	1,20	3065	2,5
Қашқадарё	0,94	2817	3,0
Навоий	12,56	2715	0,2
Наманган	0,15	1556	10,5
Самарқанд	0,46	1413	3,0
Сурхондарё	0,62	2272	3,6
Сирдарё	0,44	5278	10,5
Тошкент	0,31	1303	4,1
Фарғона	0,11	1640	12,6
Хоразм	0,28	3350	11,8
ЖАМИ	1,03	2242	2,1

Сувнинг худуд жиҳатдан тақсимланишидаги тенгсизлик унинг мавсумий ва йиллик тебранишлари туфайли кучайиб бормоқда. Сув баланси ва унинг йил фасллари бўйича тақсимланишига дарёларнинг сув билан таъминланиши характери катта таъсир кўрсатади. Мамлакатимиз кўпчилик дарёларини сув билан таъминланишнинг асосий манбаи қор кўринишидаги ёғинлардир. Бундай районларда асосий сув оқими баҳор фаслига тўғри келади. Музликлардан сув билан таъминланадиган дарёлар ҳавзаларида сувнинг катта қисми ёз фаслига тўғри келади. Дарё сувининг йил фасллари бўйича бундай тенгсизлиги сув ресурсларидан фойдаланишни қийинлаштиради ва сув хўжалиги балансларида тангликни вужудга келтиради. Чучук сув танқислиги сув ресурсларининг асосий қисми қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришга кетадиган қурғоқчилик минтақасида айниқса кескин сезилади.

Ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда сув ресурсларидан фойдаланишда тубдан ўзгаришлар содир бўлди, кўпдан кўп йирик гидроузеллар қурилди, ўлкан сув омборлари ва катта каналлар барпо этилади.

Орол денгизи ҳавзасида жами сиғими 72 км<sup>3</sup> ни ташкил этадиган 105 яқин сув омборлари барпо этилди. Улар орасида дарёларнинг кафолатланган сув оқимини 20-25% ошириш имконини берадиган 52 км<sup>3</sup> фойдали умумий ҳажмли 10 дан кўпроқ йирик сув омборлари бор.

Буларнинг ҳаммаси мамлакатимизда ирригацияни, энергетикани соҳалари ривожлантиришга қўшилган катта ҳисса бўлди, тартибга солинган сувлар минтақасини кўпайтирди ва улардан фойдаланишни пухта йўлга қўйди. Бироқ саноат ва қишлоқ хўжалиги тараққиётининг юксак суръатлари, янги районларнинг иқтисодий ривожланишга жалб этилиши ер усти сув захираларидан анча оқилона фойдаланиш ва уларни қайта тақсимлашни талаб

қилмоқда. Дарё сувларини қайта тақсимлашнинг ҳозирги даражаси халқ хўжалигининг барча эҳтиёжларини қондирмаётир. Ўрта Осиё республикаларида, айниқса, Қозоғистонда катта сув танқислиги кузатилмоқда.

Сув ресурсларидан халқ хўжалигининг кўп соҳаларида бошқа кўп мақсадлар учун ҳам фойдаланилади, шунинг учун сув хўжалиги тадбирларини ҳал этишда комплекс ёндашув ҳисобга олинади. Сув ресурсларидан комплекс фойдаланиш иқтисодий регион ёки дарё ҳавзасига нисбатан қараб чиқилади. Бунда табиий муҳитнинг таркибий қисми бўлган сув ресурслари моддий ва табиий ресурсларни оқилона ихтисослаштириш ҳамда улардан самарали фойдаланиш асосида халқ хўжалиги тармоқларини ҳудуд жиҳатдан ташкил этишни шартлайди.

Сув ресурсларининг вужудга келаётган танқислиги шароитида сувга бўлган эҳтиёжларни қондириш бўйича ҳудуд кўлламидаги тавсияларни ишлаб чиқиш сув хўжалиги комплекси (СХК)нинг асосий вазифасидир. Ҳудуд сув ресурсларидан комплекс фойдаланиш тармоқлардан ҳар бирида сувни асосли тарзда тақсимлаш мақсадида тузилган сувлардан оқилона фойдаланишнинг ягона тармоқлараро схемаси бўйича амалга оширилади. Деярли барча йирик ҳавзаларда сув хўжалиги схемалари мавжуддир.

Сув билан таъминлаш, суғориш гидроэнергетика, кемалар қатнови, балиқ хўжалиги ва бошқалар сув хўжалиги комплексининг асосий қисмларидир.

Сув билан таъминлаш—бу сувни истеъмолчиларга етказиб беришдир. Ҳудудий ишлаб чиқарувчи кучларининг ривожланиши, меҳнат ресурсларининг мавжудлиги ва жойлашиши сув таъминоти билан боғлиқ бўлади. Сув билан таъминлаш сувнинг сифатига сув хўжалиги комплексининг бошқа турларига бўлганидан кўра юқорироқ талаблар қўяди. Сув таъминотининг қуйидаги турлари фарқ қилинади: коммунал, саноат, қишлоқ хўжалик, темир йўл ва ҳоказо сув таъминоти. Ҳар қайси сув таъминоти тури ўз хусусиятларига эгадир.

Уй-жой қурилишининг катта кўламлари коммунал ва сув спорти иншоотларининг барпо этиш аҳоли пунктларини сув билан таъминлаш манбалари қувватини кескин оширишни талаб этади. Ҳозирги вақтда коммунал маиший хўжалик олинаётган жами сувнинг 6% идан кўпроғини истеъмол қилмоқда.

Сувнинг талай қисмидан саноатда фойдаланилади. 1 тонна пўлат ишлаб чиқариш учун мамлакат бўйича ўртача 350 м<sup>3</sup> сув истеъмол қилинади. Темир қотишмалари заводларидаги сув истеъмоли 1 тонна маҳсулот ҳисобида қарийиб 800 м<sup>3</sup> ни ташкил этади. 1 тонна ипак тайёрлаш учун 1200 м<sup>3</sup> сув 1 тонна капрон тола ишлаб чиқариш учун эса 2500 м<sup>3</sup> сув керак бўлади. 1998 йилда олинadиган бутун сувнинг 25% и саноат сув таъминотига сарфланади.

Қишлоқ хўжалиги мамлакатимиздаги барча сув истеъмолчилари орасида алоҳида ўрин тутати. Истеъмол қилинадиган чучук сувнинг 50 км<sup>3</sup> унинг ҳиссасига тўғри келади. Энг кўп сув суғоришга кетади. Ҳам умумий, ҳам улушли сув истеъмоли суғоришнинг асосий хусусиятидир. Суғоришга ҳар йили 45-50 км<sup>3</sup> сув ёки олинadиган бутун сувнинг 80% идан кўпроғи кетади. Бунда Фарғона водийси вилоятлари ҳиссасига мамлакатда истеъмол қилинадиган суғориш сувининг 18%, Тошкент вилояти ҳиссасига 6,2%, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари ҳиссасига 10,5%, Зарафшон водийси вилоятлари ҳиссасига 17,0%, куйи Амударё вилоятлари ҳиссасига 25,5%, Қашқадарё, Сурхондарёга 19,5% тўғри келади. Келажакда қишлоқ хўжалиги учун сув олиш тахминан 1,2 баравар кўпаяди.

Олинadиган бутун сувнинг 70% дан кўпроғи қайтмас тарзда истеъмол қилинади. Бунда суғоришда сувни қайтмас тарзда истеъмол қилишга олинadиган сувнинг 85% ига яқини сарф бўлади, вахоланки коммунал хўжаликда 16% и саноатда эса 9% и сарф бўлади. Тоза сувнинг кўп қисми ифлосланган сувларга қўшишга ва улар ифлослиги даражасини йўл қўйиш мумкин бўлган концентрациягача пасайтиришга сарфланади.

Ер устида оқадиган сувлардан фойдаланиш билан бирга ер ости сувларига ҳам катта эътибор берилади. Ер ости сувларидан фойдаланиш ҳисобига сув чиқариладиган ўтлоқлар шунингдек суғориладиган ерлар майдонларини кенгайтириш мумкин. Ҳозирги вақтда ер ости сувлари билан суғориладиган ер майдонлари жами суғориладиган ерлар майдонининг 0,5% ини ташкил этади.

Сув хўжалиги комплексининг асосий қисмлари сув ресурсларига турлича талаблар қўяди. Сув гидроэнергетика учун энергия манбаи бўлиши мумкин. Бу энергия эса сунъий равишда

қурилган ёки табиий сув туширгичда ҳосил қилиниши мумкин. Сув транспорти учун сувдан фойдаланишдаги асосий нарса-новигация даврида зарур чуқурликни таъминлашдир. Балиқ хўжалигида балиқни такрор ишлаб чиқариш ва урчитиш учун ҳовузларгина эмас, балки кўп ҳолларда дарёлар сув оқимининг муайян режими ҳам керак бўлади. Балиқни табиий қайта ишлаб чиқариш учун ҳар йили баҳор тошқинлари зарур.

Ҳозирги вақтда юз бераётган сув муаммосини қуйидаги учта йўл билан ҳал қилиш мумкин:

Биринчидан, дарё сувини тўла тартибга солиш керак. Дарё суви сув омборлари қуриш йўли билан тартибга солинади. Сув омборлари қуриш кўп мақсадларни кўзлайди. Бу қурилиш сув таъминотини йўлга қўйиши дарёлар сувини тартибга солиши, энергия ресурсларидан фойдаланишни таъминлаши, суғориш ва сув чиқаришни ривожлантириш, транспорт магистралларини яратилиши, балиқ хўжалигини ривожлантириш ҳамда сув тошқинлари олдини олиш керак.

Иккинчидан, бу қурилиш сув ҳавзалари ўртасида сувни қайта тақсимлаш йўли билан сув ресурслари ҳаддан зиёд бўлган районлардан уларнинг анчагина қисмини сув хўжалик районларга олиб бориш имконини беради. Сув ресурсларини ҳудуд бўйича қайта тақсимлаш ишлари мамлакатимизда кўп вақтдан буён ўтказиб келинади. Ҳозирги вақтда Амударё сувининг бир қисми Бухоро, Навоий, Қашқадарё вилоятларига етказиб берилмоқда. Келгусида бу каналлар Қизилқум ичига кириб бораверади.

Учинчидан, ҳар бир ҳавза ичида сувни тежаб сарфлашга қаратилган сув хўжалиги ва ташкилий-иқтисодий тадбирлар амалга оширилади. Бу тадбирларга сув хўжалиги тизимларини қайта тузиш, оқова сувлардан такроран фойдаланиш, янги техникани, сув хўжалиги ташкилотлари билан сув истеъмолчилари ўртасида бозор муносабатларини жорий қилиш киради.

Сув ресурсларидан комплекс фойдаланиш сув хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлигини анча оширади. Бу ҳолда сув хўжалиги тадбирларига тор идоравий ёндашувга чек қўйилади, уларнинг халқ хўжалик аҳамияти тўла ҳисобга олинади, сувларни ифлосланиш ва тугаб қолишдан сақлаш бўйича талабларга албатта риоя қилинади.

## **1.2. Ирригация тизимлари ҳавза бошқармасининг вазифалари ҳуқуқлари ва мажбуриятлари**

Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг сув хўжалиги соҳасидаги ҳудудий органи ҳисобланади.

Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари ва бошқа ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳайъатининг қарорларига, Вазирликнинг буйруқлари ва қарорларига ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига, шунингдек ўзининг Низомига амал қилади.

Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга, банк муассасаларида ҳисоб рақамларига эга бўлади.

Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси сув ҳавзасида сув ресурсларини тартибга солиш ва фойдаланишда ягона сиёсат ўтказилиши учун масъул ҳисобланади.

Қуйидагилар ҳавза бошқармасининг асосий вазифалари ҳисобланади:

- сувдан фойдаланишнинг бозор принципларини ва механизмларини жорий этиш асосида сув ресурсларидан мақсадли ва оқилона фойдаланилишини ташкил этиш;

- сувни тежовчи илғор технологияларни жорий этиш асосида сув хўжалигида ягона техника сиёсатини юритиш;

- истеъмолчиларни сув билан узлуксиз ва ўз вақтида таъминлашни ташкил этиш;

- ирригация тизимлари сув хўжалиги иншоотларининг техник ишончилигини таъминлаш;

- ирригация тизимидан ишончли фойдаланиш ва уни иш ҳолатида сақлаш учун уни тайёрлашни ташкил этиш;

- ҳавза ҳудудида сув ресурсларини оқилона бошқариш ҳамда унинг тезкорлигини ошириш;

- сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш, ажратилган маблағлар, моддий-техника ресурслари, техника ва асбоб-ускуналардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва улардан мақсадли фойдаланиш.

Бошқарма қуйидаги функцияларни амалга оширади:

- сув ресурсларини бошқаришни ва Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси томонидан белгиланган лимитларга мувофиқ Ирригация тизимлари бошқармаларига сув беришни амалга оширади;

- ирригация тизимлари ҳамда насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармалари билан сув бериш юзасидан шартномалар тузади, тизимнинг ички насос станциялари ва агрегатларидан фойдаланиш режимини белгилайди;

- умумий сув хўжалиги аҳволини ҳисобга олган ҳолда ирригация тизимларига сув бериш жадвалларига тузатишлар киритади;

- сувдан фойдаланишнинг бозор принциплари ва механизмлари жорий этилишини таъминлайди;

- тизимнинг алоҳида каналлари сув таъминотини оширишга доир таклифларни тайёрлайди ва амалга оширади;

- умуман тизим бўйича сув олиш ва сув бериш ҳисобини юритади, тизим бўйича сув ресурслари балансини тузади;

- магистрал каналлар (тизимлар) ва сув хўжалиги иншоотлари бўйича сув ресурслари оқилона бошқарилишини назорат қилади;

- сув хўжалиги тизимидан ишончли фойдаланилишини таъминлайди;

- тизимни сув ўлчаш қурилмалари билан зарур миқдорда таъминлайди, сув ресурсларини бошқаришда алоқа, автоматика ва телемеханиканинг замонавий тизимларини жорий этади ҳамда уларни такомиллаштиради;

- мукамал ва жорий таъмирлаш бўйича комплекс тадбирлар тузади, ушбу мақсадларга ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланишни таъминлайди;

- таъмирлаш ишларини арзонлаштириш ва сифатини ошириш мақсадида, ресурсларни тежайдиган технологияларни, ишларни бажаришнинг мақбул шакл ва усулларини ишлаб чиқади ва жорий қилади;

- тасарруфидаги каналлар тизимларида ишларни ташкил этишдан илғор тажрибани, сув хўжалигига оид фан ютуқларини оммалаштиради;

- қурилаётган корхоналар бирлашган дирекциялари билан биргаликда инвестиция дастурларига киритиш учун тизимни ва иншоотларни замонавийлаштириш, реконструкция қилиш ҳамда техника билан қайта жиҳозлаш бўйича таклифлар тайёрлайди, магистрал канал (тизим) бўйича инвестиция дастурлари бажарилишини ташкил қилади;

- умуман ирригация тизими бўйича сув хўжалигини истиқболли ривожлантириш схемаларини тузиш бўйича таклифлар тайёрлайди.

6. Бошқарма қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- Ўз ваколатига кирувчи масалаларни ҳал этиш учун зарур бўлган материалларни корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

- келишиш учун ўзига тақдим этиладиган сув ресурсларини бошқариш бўйича қарорлар лойиҳалари юзасидан хулосалар бериш;

- бошқа тизимларда ва ички хўжалик гидромелиоратив тармоқларда таъмирлаш ишларини шартномалар бўйича бажариш;

- сув хўжалиги тизимларидан фойдаланиш қоидалари, сувдан лимит бўйича фойдаланиш тартиби бузилганлиги учун айбдор шахсларни тегишли жавобгарликка тортиш тўғрисида белгиланган тартибда тақдимнома киритиш;

- «Ирригация тизимлари» ҳавза бошқармаси томонидан тасдиқланган сув ресурслари лимитларига вужудга келган сув ҳўжалиги аҳволини ҳисобга олган ҳолда 10 фоиз доирасида тузатиш киритиш;

- қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга эга.

Бошқарманинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари жойлардаги бошқарув органлари, ҳўжалик юритувчи субъектлар, шунингдек мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурийдир.

Бошқармани танлов асосида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигининг буйруғи билан лавозимга тайинланадиган бошлиқ бошқаради. Танлов Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғининг тақдимномасига кўра Сув ҳўжалиги бош бошқармаси томонидан ўтказилади.

Бошлиқ ўринбосарлари лавозимга Бошқарма бошлиғининг тақдимномасига кўра Сув ҳўжалиги бош бошқармаси билан келишган ҳолда Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғининг буйруғи билан танлов асосида тасдиқланади.

Танловларни ўтказиш тартиби Сув ҳўжалиги бош бошқармаси томонидан тасдиқланади.

Бошқарма бошлиғи бошқарма фаолиятига раҳбарлик қилади ҳамда Бошқармага юкланган вазифалар ва мажбуриятларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради. Ирригация тизимлари ҳавза бошқармасига Бошқарма бошлиғи ўринбосарлари лавозимга тайинлаш учун Сув ҳўжалиги бош бошқармаси билан келишилган номзодларни тақдим этади.

Бошқарма аппарати штатлар жадвали бўйича таклифларни тасдиқлаш учун Ирригация тизимлари ҳавза бошқармасига белгиланган тартибда киритади. Бошқарма аппарати ходимларини, шунингдек тасарруфидаги каналлар тизимлари раҳбарларини Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси билан келишган ҳолда лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади ва бўлинмалар раҳбарлари ва мутахассисларини танлов асосида тайинлайди. Танловни ўтказиш тартиби Сув ҳўжалиги бош бошқармаси билан келишган ҳолда бошқарма бошлиғи томонидан тасдиқланади.

Қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатлар доирасида бошқа ваколатларни амалга оширади.

Гидроучасткалар ва гидроузеллар (юримдик шахс мақомисиз) Бошқарманинг таркибий бўлинмалари ҳисобланади, улар ўз фаолиятини Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси тасдиқлайдиган Низомга мувофиқ амалга оширади.

Бюджетдан ажратмалар ҳамда ҳўжалик фаолиятидан ва сув истеъмолчиларига хизматлар кўрсатишдан тушадиган маблағлар, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар бошқармани маблағ билан таъминлаш манбалари ҳисобланади.

Бошқарма фаолияти қонунда белгиланган тартибда тўхтатилади.

### **1.3. Сув истеъмолчи уюшмаларини ташкил қилиш ва уларнинг қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришдаги ўрни**


Шўролар даврида давлат ҳўжаликларида колхозларда, кейинчалик мустақил Ўзбекистонимизда 2003 йилгача ширкатларда қишлоқ ҳўжалик экин далаларини сув билан таъминлаш мақсадида махсус ирригация бўлими ташкил қилинган бўлиб, уни ҳўжалик бош ирригатори бошқарар эди. Бош ирригатор туман ҳўжаликлараро каналлари орқали ҳўжалик ҳудудига етказиб берилган сувга тўлиқ ҳўжайин ҳисобланиб, унинг раҳбарлигида участка гидротехниклари ва мироблар фаолият кўрсатар эди. Уларнинг асосий вазифаси ҳўжаликларнинг участкаларига ва бригадаларга сув етказиб беришдан иборат эди. Ҳозирги кунга келиб сув ҳўжалигини бошқаришнинг ҳудудий тизими тугатилиб, ҳавзавий бошқариш усулига ўтилгандан кейин Ирригация тизимлари ҳавза бошқармасининг таркибида магистрал каналлар бошқармаси, ирригация тизимлари бошқармаси ва истеъмолчиларга сув тақсимлаб берувчи гидростлар ташкил этилди. Гидростлар томонидан тақсимлаб берилган сувларни асосан сувдан фойдаланувчилар уюшмалари ва қисман бевосита сув истеъмолчилари (фермер ва бошқа истеъмолчилар) қабул қилиб оладиган бўлди. 2006 йилнинг охирига келиб, Республикада ширкатлар тугатилиб, 185 мингдан ортиқ фермер ҳўжаликлари ташкил қилинди. Фермер

хўжаликларини сув билан таъминлашни яхши йўлга қўйиш учун ёппасига сувдан фойдаланувчилар уюшмаларини тузиш бошланди.

Сувдан фойдаланувчилар уюшмаси (СИУ) бир ёки бир неча канал атрофидаги сувдан фойдаланувчиларнинг хоҳиш иродаси билан тузиладиган ва улар томонидан бошқариладиган нодавлат, ноижорат ташкилотдир, (1.3.1-расм).

### 1.3.1-расм

#### СИУ нинг ташкилий тузилмаси



Сувдан фойдаланувчилар фермер ва деҳқон хўжаликлари ёки томорқа эгалари бўлиб, адолатли сув тақсимоти ҳамда ирригация-зовур тармоқларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш орқали уюшма худудида суғорма деҳқончиликни ривожлантирадиган ва бунинг учун ўзларининг молиявий ва техник имкониятларини бирлаштирадиган. СИУ га бирлашмаган сувдан фойдаланувчилар қуйидаги муаммоларга дуч келишлари мумкин:

1. Ягона тенг ҳуқуқли сув тақсимлаш тизими йўлга қўйилмаганлиги боис сувдан фойдаланувчилар ўртасида сув учун доимий зиддиятлар вужудга келади.

2. Ирригация-зовур тармоқларининг узлуксиз ишлашни таъминлашга давлат томонидан ажратилаётган маблағларининг етишмаслиги туфайли уларнинг ҳолати ёмонлашиб боради.

3. Сув ресурсларидан оқилона фойдаланмаслик сувнинг кескин камайиш хавфини келтириб чиқаради ва келажақда экологик вазият янада оғирлашади.

СИУ ларини ташкил қилиниши ўз аъзолари бўлган сувдан фойдаланувчиларга суғориш тармоғидаги сувни тақсимлаш ва уюшмани демократик асосда бошқаришда фаол қатнашиш имкониятини беради. Сувдан фойдаланувчилар СИУ нинг молиявий бошқарувини ошқара ташкил этишлари уюшма фаолиятининг барқарор ривожланишини таъминлайди. Бу қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларини бирлаштирган ҳолда нафақат сув хўжалиги, балки қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ умумий муаммоларни ҳал қилишда ҳам ёрдам беради. Бундан ташқари сувдан самарали фойдаланиш ҳисобига қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлиги ошиши фермерларда эртанги кунга янада ишонч ўйғотади.

СИУ ларини тузиш учун уюшманинг бўлажак аъзоларидан иборат ташаббускор гуруҳ зарурий ҳужжатларни тайёрлайди. Ушбу гуруҳ СИУ нинг таъсис ҳужжати ва устав лойиҳасини аъзоларнинг таклифларини ҳисобга олган ҳолда тузади ва бунинг учун фермерлар орасида тушунтириш ишларини олиб боради. Таъсис ҳужжатлари СИУ нинг таъсис шартномаси ва низомидан иборат.

Таъсис шартномаси СИУ нинг таъсис этишга асос бўладиган ҳужжат бўлиб, уюшманинг ҳуқуқий мақоми, расмий номи, таъсисчилар рўйхати, мақсад ва вазифаларининг қисқача шарҳидан иборат. Таъсис шартномаси СИУ таъсисчиларининг барчаси томонидан имзоланади.

СИУ тузиш учун зарур бўладиган ҳужжатлар намунаси мавжуд бўлиб, улар уюшмани тузиш жараёнини осонлаштиради ва тезлаштиришга ёрдам беради. Шунини алоҳида қайд этиш керакки, уюшмани тузиш жараёнида ўз манфатини ифодалаш учун ҳар бир аъзонинг иштироки зарур бўлиб, бу СИУнинг таъсис шарномаси ва устовида ирригация-зовур тармоқларини сақлаш ва бошқаришнинг маҳаллий ўзига хос хусусиятлари ва шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда ифодаланади. Бу ишларни бажаргандан сўнг ташаббускор гуруҳ бўлажак СИУнинг таъсис шартномаси ва уставини салоҳиятли аъзолар иштирокида муҳокама қилиш ва тасдиқлаш учун умумий йиғилиш чақиради. Таъсис ҳужжатлари тасдиқлаганидан сўнг уюшма аъзолари ёки сувдан фойдаланувчилар гуруҳи вакиллари СИУ кенгаши ва тафтиш комиссиясига номзодлар рўйхатини тузадилар. Уюшма аъзолари ёки сувдан фойдаланувчилар гуруҳи вакиллари умумий йиғилишда Кенгаш ва Тафтиш комиссиясини сайлаганларидан сўнг кенгаш аъзолари барча уюшма аъзолари номидан СИУ бошқарувчисини тайинлайдилар.

СИУнинг сувдан фойдаланувчилар гуруҳи вакили умумий йиғилишларда маълум бир участкадаги сувдан фойдаланувчилар номидан уларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи сайланган шахс ҳисобланади.

#### **СИУ аъзоларининг ҳуқуқлари:**

1. СИУ бошқарув органига номзодлар тавсия қилиш ёки ўз номзодларини қуйиш.
2. Сувдан фойдаланиш режасига мувофиқ суғориш сувидан адолатли ва тенг ҳуқуқли фойдаланиш ҳамда қўшимча сув ресурслари мавжуд бўлса, биринчи навбатда олиш.
3. Ўз манфаатлари билан боғлиқ масалалар муҳокамасида иштирок этиш.
4. Шартнома мажбуриятларини бажарилмаган ва уставига риоя қилмаган ҳолларда СИУ дан даъво талаб қилиш.
5. Сувдан фойдаланувчилар ўз қизиқиши ва умумий манфаатдан келиб чиқиб, СИУ фаолиятига оид маълумотлар билан танишиш.

#### **СИУ аъзоларининг мажбуриятлари:**

1. Устов қоидаларига ва уюшма томонидан қабул қилинган барча меъёрий ҳужжатларга риоя қилиш.
2. Белгиланган бадалларини ҳамда уюшма хизматлари ҳақини ўз вақтида тўлаш.
3. Суғориш режимига риоя қилиш ҳамда ҳар бир сувдан фойдаланувчи билан келишилган ҳолда белгиланган лимитдаги сувни олиш.
4. Уюшмани тасаруфидаги ер ва фойланилган сув билан боғлиқ маълумотлар билан таъминлаш.
5. СИУга қарашли ирригация-зовур тармоқларини асраб-авайлаш.

#### **СИУ нинг бошқарув органлари**

1. Умумий йиғилиш СИУ нинг олий бошқарув органидир.

Унда барча аъзолар ёки сувдан фойдаланувчилар гуруҳлари вакиллари қатнашади ва уларнинг ҳар бири бир овозга эга.

Умумий йиғилишининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат.

- СИУ устави ва унинг фаолияти билан боғлиқ ички меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш.
- СИУ кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш ёки вазифасидан озод қилиш;
- бошқарув тузилмаси, ёлланма ишчи-хизматчилар сони, уларнинг иш ҳақи миқдори ва уни бериш тартибини тасдиқлаш;
- уюшма аъзолари ва аъзо бўлмаганларнинг бадал тўловлари миқдорини белгилаш;

- уюшманинг истикболли режалари ва бюджети, уларнинг ҳисоботларини тасдиқлаш;
  - СИУ нинг йиллик иш режаси ва суғориш жадвалини тасдиқлаш;
  - Устав тартиблари ва ички меъёрий ҳужжатлари қоидалари бузилган ҳолларда жарималар тури ва миқдорини белгилаш;
  - СИУ Кенгаши ва тафтиш комиссияси ҳисоботлари билан танишиш ва тегишли қарорлар қабул қилиш;
  - СИУ бошқа ташкилотларга бирлашган ҳолатда унинг мақомини белгилаш.
2. СИУ Кенгаш аъзолари жамоатчилик асосида (иш ҳақисиз) фаолият юритади ва камида ҳар ойда бир марта йиғилади.
- Кенгаш таркибидан Уюшма Кенгаш раисини сайлаш;
  - Умумий йиғилиш кун тартибини тайёрлаш ва чақириқ муддатини белгилаш;
  - йиллик ҳисоботини тайёрлаш ва уни умумий йиғилиш аъзолари ёки СИУ вакилларига тақдим этиш;
  - СИУ уставига тузатиш ва ўзгартиришлар киритиш ва умумий йиғилишга тасдиқлаш учун тақдим этиш;
  - умумий йиғилиш қабул қилган устав, қарор, шартномаларнинг бажарилиши ҳамда сув ресурсларидан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишини қонун талаби доирасида назорат қилиш;
  - бюджет, йиллик режа ва иш режасига мувофиқ келувчи шартномаларнинг бажарилишини назорат қилиш;
  - ижроия органи фаолиятини назорат қилиш;
  - уюшма аъзолари ўртасидаги низо ва келишмовчиликларни ҳал қилиш, уларнинг уюшмага нисбатан даъволарини кўриб чиқиш;
  - Устав ва шарномага амал қилмаганларга нисбатан тегишли чоралар кўриш;
  - кечиктириб бўлмайдиган ҳолатларда умумий йиғилиш ваколатидаги қарорларни қабул қилиш ва навбатдаги умумий йиғилишда тасдиқлаш;
  - уюшмага қабул қилиш ёки аъзоликдан четлатиш аризаларини ўрганиб тегишли қарор қабул қилиш;
- СИУ Кенгаши раиси, Кенгаш аъзолари томонидан маълум муддатга сайланади ва номзод умумий йиғилиш аъзолари билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

#### **Кенгаш раисининг мажбуриятлари:**

- СИУ аъзолари ёки вакилларнинг умумий йиғилишлари ҳамда кенгаш мажлисларини ўтказиши;
  - СИУ фаолияти билан боғлиқ барча масалаларда уюшма вакили сифатида қатнашади;
  - СИУ уставида белгилаб берилган бошқа мажбуриятларни бажаради.
3. Тафтиш комиссияси уюшма ва кенгашнинг молиявий ва хўжалик фаолиятини назорат қилади ҳамда умумий йиғилишга ҳисобот беради. Уюшма фаолиятида жиддий молиявий камчиликлар аниқланса, комиссия кенгашдан навбатдан ташқари умумий йиғилиш чақиртиришни талаб этиш ҳуқуқига эга.

#### **Тафтиш комиссияси вазифаларига қуйидагилар киради:**

- Умумий йиғилиш томонидан тасдиқланган меъёрий ҳужжатларда белгилаб берилган вазифаларни бажариш;
  - уюшманинг молиявий фаолиятини назорат қилиш;
  - ҳисоб рақамлари активлар ва жихозларни камида бир йилда бир марта умумий йиғилиш ёки сувдан фойдаланувчилар гуруҳи вакилларининг қарори асосида таҳлил қилиш ва текшириш;
  - аудит назорати бўйича олиб борилган текширувлар натижаси ҳисоботини умумий йиғилиш ва кенгашга тақдим этиш.
4. Ижроия органи СИУ нинг кундалик фаолиятини амалга оширади. Ижроия орган-бошқарувчи (раис), ҳисобчи ва техник ходимлардан (мироблардан) иборатдир. Бу

меҳнатга ҳақ тўланадиган ягона орган бўлиб, уларнинг ваколат муддатлари меҳнат шартномасида белгилаб берилади.

### **Ижроия органининг вазифаларига қуйидагилар кирди:**

- СИУ аъзолари ҳамда аъзо бўлмаган шахслар билан сув хўжалиги хизмат кўрсатиш юзасидан шартномалар тузиш;
- ирригация-зовур тармоқларини ишчи ҳолатда сақлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш;
- сув етказиш ва уни СИУ аъзолари орасида тақсимлаш йиллик режасини тузиш ҳамда амалга ошириш, шунингдек сувнинг таъминотчилар томонидан етказишни назорат қилиш;
- бюджет лойиҳаси, ирригация-зовур тармоқларини ишлатиш ва сақлаш режаси ҳамда бошқа талаб қилинадиган меъёрий ҳужжатларни тузиш ва кенгашга тақдим этиш;
- Умумий йиғилиш ва Кенгаш қабул қилган қарорларни бажариш.

### **СИУнинг молиявий манбалари ва мулки:**

Уюшманинг Низом жамғармаси таъсисчилар ва бошқа сувдан фойдаланувчилар томонидан ажратилган мулкӣ улушлар ва маблағлар ҳисобидан ташкил топади.

Қуйидагилар уюшманинг мол-мулкӣни шакллантириш манбалари ҳисобланади:

- уюшма таъсисчиларининг бошланғич мулкӣ улушлари;
- сувдан фойдаланувчиларнинг тўлаган бадаллари;
- қимматбоҳо қоғозлар ва улардан олинадиган даромадлар;
- банклар ва бошқа ташкилотларнинг кредитлари ва грантлари;
- уюшманинг бошқа фаолиятларидан тушган маблағлари;
- республика ва чет эл сармоядорларининг беғараз ёрдами тариқасида берилган мулклар ва маблағлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунларида таъқиқланмаган бошқа маблағлар.

СИУ қонунда белгиланган тартибда ўз фаолияти натижаларининг ҳисоби ва ҳисоботини ва уларнинг ҳақиқийлигини қафолатлайди.

СИУ мустақил балансга эга, хўжалик фаолиятини таъсисчиларнинг ва бошқа сувдан фойдаланувчиларнинг бадаллари ва қонунда ман этилмаган бошқа манбалар ҳисобига маблағ билан ўзини ўзи таъминлаш асосида амалга оширади.

СИУ фаолиятини яхшилаш ва ривожлантириш ҳамда ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида заҳира, ишлаб чиқариш Фан ва техника ютўқларини жорий қилиш, моддий рағбатлантириш ва қонунда ман этилмаган бошқа жамғармаларни ташкил қилиши мумкин.

СИУ Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёزلардан фойдаланади.

### **СИУни ташкил қилишдан мақсад ва унинг вазифалари**

1. СИУ нинг асосий мақсади таъсисчиларга ҳамда уюшма ҳудудидаги бошқа сувдан фойдаланувчиларга ўрнатилган лимит асосида сув етказиб бериш, ўзаро ички сув хўжалиги муносабатларини тартибга солиш, уларнинг сувдан фойдаланиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш, шунингдек қонунда ман этилмаган бошқа фаолиятларни амалга оширишдан иборат.

СИУ ўз мақсадини амалга ошириш учун қуйидагиларни бажаради:

- сувдан фойдаланувчиларни ва уларнинг сув олиш жойларини рўйхатдан ўтказиш;
- сувдан фойдаланиш режаларини ишлаб чиқиш ва уларни ирригация тизими бошқармаси томонидан уюшмага белгиланган лимит доирасида мувофиқлаштиради;
- ирригация тизими бошқармаси ҳамда сув истеъмолчилари билан Сув олиш ва ундан фойдаланиш бўйича шартномаларни тузади ва уларнинг бажарилишини таъминлайди;
- сувдан фойдаланувчиларга ажратилган лимитлар сув етказиб бериш ва ўрнатилган тартибда сувнинг олди-бердиси ва ҳисоботларини олиб боради;

- СИУ таъсисчилари ва бошқа сувдан фойдаланувчилар ҳамда Сув хўжалиги ташкилотлари билан ички сув хўжалиги объектларини таъмирлаш, ва ишлатиш бўйича шартномаларини тузади ва унинг бажарилишини таъминлайди;

- СИУ худудидаги ички сув хўжалиги объектларини тозалаш ва таъмирлаш, реконструкция қилиш ишларини ташкил этади;

- сув ўлчаш воситаларини қуришни ташкил этиш ва уларни белгиланган тартибда паспортларини тузиш, шаҳодатлаш ҳамда рўйхатдан ўтказишни таъминлайди;

- ер эгаларига суғориладиган ерларнинг шўрини ювиш, сувдан мақсадли ва самарали фойдаланишни таъминлаш бўйича тадбирларни амалга оширишда услубий ва амалий ёрдам кўрсатади;

- сувни тежаш ва илғорлар тажрибаларини ҳамда янги технологияларни жорий қилишни ташкил этади;

- СИУ балансидаги асосий воситаларни техник кўриклардан ўтказиб бориш, таъмирлаш ва янгилаш, ресурсларни иқтисод қилувчи техника ва технологияларни жорий қилиш бўйича жорий ва истиқболли режаларни ишлаб чиқиш, умумий, шу жумладан жорий ва ривожланиш сарф-харажатлар сметасини ишлаб чиқиш ҳамда ҳар-бир сувдан фойдаланувчининг бадалларини ҳисоб-китоб қилиб, белгиланган тартибда таъсисчиларнинг умумий йиғилишида тасдиқланади;

- ўз фаолияти тўғрисида белгиланган тартибда туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимига ирригация тизими бошқармасига ҳамда тегишли ташкилот ва идораларга ахборот ва ҳисоботлар бериб боради;

- СИУ таъсисчиларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ва манфаатларини ҳимоя қилади;

- СИУ ўз таъсисчиларига ва унинг худудидаги бошқа сувдан фойдаланувчиларга уларнинг манфаатларини кўзлаган ҳолда қонунга зид бўлмаган бошқа фаолият турларини ҳам кўрсатиш мумкин.

#### **СИУ қуйидаги мажбурият ва ҳуқуқларга эга:**

- ўз ҳисобидаги асосий воситаларни ва бошқа мулкларни ҳамда маблағларни мақсадли ишлатиш ва талон-торож бўлмаслигини таъминлайди;

- СИУ ажратилган сув ресурсларини сувдан фойдаланувчиларга уларнинг тасдиқланган сувдан фойдаланиш режасига пропорционал равишда тақсимлайди ва етказиб беради;

- фаолият кўрсатаётган худуддаги сувдан фойдаланувчиларга ва бошқа уюшмаларга сув таъминоти ва сув хўжалиги объектларидан фойдаланишдан бошқа хизмат кўрсатишни ташкил қилиш ва бунинг учун банкларда хўжалик ҳисоб рақами очилади. Ушбу фаолият бўйича тушган маблағлардан давлат бюджетига тегишли тўловларни амалга оширади. Ички сув хўжалиги объектларини мелиоратив техника ва бошқа воситаларни таъмирлашга ва ривожлантириш ҳамда уюшма йиғилиш қарори билан бошқа мақсадларга ишлатади;

- амалга оширилган ишлар ҳақида йилида икки марта уюшма таъсисчиларга умумий йиғилишда ҳисобот беради;

- манбада сув камайган (кўпайган) тақдирда сув лимитларига ўзгариштиришлар киритади;

- техника ва механизмлар етишмаган ҳолатда шартнома асосида бошқа пудратчиларни жалб қилади;

- сувни тақсимлаш ва уни сувдан фойдаланувчиларга етказишни ташкил қилиш ҳамда кечаю-кундуз назорат олиб бориш учун суғориш тармоқлари бўйича жойлашган сувдан фойдаланувчиларнинг вакилларини график асосида жалб қилинади;

- белгиланган тартибда сувдан махсус фойдаланиш рухсатномасини олади.

- СИУ қонун ҳужжатларига ман этилмаган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

#### **СИУ таъсисчилари ва бошқа сувдан фойдаланувчиларнинг мажбуриятлари ва ҳуқуқлари қуйидагилардан иборат:**

- сувдан ва сув хўжалиги объектларидан фойдаланиш бўйича ўз вақтида шартномаларни тузиш ва ўзига юклатилган мажбуриятларининг бажарилишини таъминлайди;

- сув хўжалиги объектларига, ва бошқа асосий воситаларнинг техник ҳолатига зарар етказмаслик ва улардан белгиланган тартибда фойдаланади.

- мавжуд сув хўжалиги объектларига, техника ва ускуналарга етказилган зарарни ўрнатилган тартибда қоплайди;

- сув ўлчаш воситаларини ўз ҳисобидан қуришни таъминлайди, олинган сувдан мақсадли фойдаланиш ҳақида уюшмага ўрнатилган тартибда маълумотлар бериб боради;

- СИУ талаби асосида сувни тақсимлаш уни истеъмолчиларга етказишни ташкил қилиш ҳамда кечаю-кундуз назоратни олиб бориш учун ўз вакилларини ажратади;

- ажратилган сув ресурсларини белгиланган лимит доирасида сувдан фойдаланиш режаси асосида ўз вақтида берилишини талаб қилади;

- тузилган шартномага асосан берилган буюртма бўйича ўз вақтида тегишли хизматларини бажаришни талаб қилади;

- СИУ нинг таъсисчилари ва бошқа сувдан фойдаланувчилари қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

4. Уюшма ўз таъсисчиларининг бошқа юридик ва жисмоний шахслар олдидаги мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас.

## **II – БОБ. СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИЖТИМОЙ - ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ ТАҲЛИЛИ.**

### **2.1. Сув хўжалиги тизимини бошқариш ва уни такомиллаштириш**

Ҳар қандай давлат бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида ислохотларни ўтказиш усул ва йўллари - ўз тарихий удумларини ва аниқ шарт-шароитларини, ривожланган чет мамлакатлар тажрибаларини ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш даражаси, аъёнлар ва миллий хусусиятларини ҳамда мавжуд табиий-иқтисодий салоҳиятларни эътиборга олган ҳолда ишлаб чиқиши лозим.

Мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтишнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган беш тамойилга асосланган иқтисодий муносабатларни босқичма-босқич янги бозор муносабатларига ўтказиш бориб, самарали бозор иқтисодиётини чуқур бўҳронларсиз ва талофатларсиз вужудга келтириш йўли танланди.

Амалга оширилаётган агро-иқтисодий сиёсат натижасида Ўзбекистон ижтимоий ларзаларсиз ўз иқтисодий мустақиллиги сари ишонч билан илгарилаб бормоқда.

Маълумки, республикаимизда бир неча ўн йиллар мобайнида иқтисодиётда умумхалқ мулки деб аталган. Аслида эса давлат бюрократик тизимининг ихтиёрида бўлган мулкка давлат

иштироки тўлиқ хукмронлик қилиб келган. Мулкчиликнинг шакллари фақат икки турдаги яъни, давлат мулки ва кооператив мулкидан иборат тизим ривожлантирилган. Аслида колхоз-кооператив мулки ҳам амалда давлат ихтиёрида бўлган.

Демак, ер-сув ресурслари ва умуман барча ишлаб чиқариш воситалари давлатнинг танҳо ихтиёрида ҳисобланган. Бундай ҳолат деҳқон ва меҳнаткашларнинг ишлаб чиқариш вооситаларидан маҳрум бўлишига, мулкка эгалик ҳиссиётинининг йўқолишига ва натижада ишлаб чиқариш самарадорлигининг мунтазам пасайишига олиб келди. Шу нуқтаи назардан ҳам, республикамиз мустақилликка эришган дастлабки йиллардан бошлаб кўп укладли иқтисодий шакллантириш мақсадида аграр секторда таркибий ўзгаришларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг ташкилий тузилмаси таркибида «Қишлоқ хўжалиги бирлашмалари», «Сув хўжалиги хўжалик бирлашмалари, корхоналари ва ташкилотлари», «Давлат бошқарув ва назорат органлари» ва «Илмий-тадқиқот ва ўқув муассалари» каби бошқарув бўғинлари ташкил этилди ҳамда уларга тегишли бирлашмалар, уюшмалар. Марказлар ва илмий муассасалар бирлаштирилди, шунингдек, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги марказий аппарати таркибида: «Пахтачиликни ривожлантириш бўйича кенгаш», «Дончиликни ривожлантириш бўйича кенгаш», «Сабзавот-полиз маҳсулотларини комплекс қайта ишлаш ва ривожлантириш бўйича кенгаш», «Чорвачиликни ривожлантириш бўйича кенгаш», «Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш ва кимёлаштириш бўйича кенгаш» ва «Ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ирригацияни ривожлантириш ва ер унумдорлигини ошириш бўйича кенгаш» лар тузилди.

Таъкидлаш жоизки, ўтказилаётган аграр соҳада иқтисодий ислохотлар жараёнида асосий эътибор қишлоқ ва сув хўжалигида бошқариш тизимини токомиллаштириш ва ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланиш масалаларига қаратилган.

Ўзбекистон Республикасида ер-сув ресурслари ниҳоятда чекланган. Шунингдек учун ҳам, ер-сув ресурсларини бутун чора-тадбир ва усулларни қўллаган ҳолда тежаб ва самарали фойдаланиш энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Айниқса, етарли миқдордаги сув ресурсларисиз халқ хўжалигини, шу жумладан қишлоқ хўжалигини барқорор ривожлантириб бўлмайди.

Мавжуд сув ресурслари ҳозирги ўсиб бораётган талабни тўлиқ таъминлай олмайди. Бундан ташқари, сув ресурсларининг аксарият қисми қишлоқ хўжалигида фойдаланилади. Мамлакатимизда мавжуд сув ресурслари давлат муҳофазасидадир. Улар мулкчилик шакллари бўйича тақсимланмаган. Ер-сув ресурсларига эгалик қилишнинг ҳуқуқий асоси Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасида «Ер-сув умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир» деб алоҳида қайд қилинган.

Ўзбекистон ҳудудидан оқиб ўтадиган Амударё, Сирдарё ва Зарафшон дарёларининг сувларидан халқаро шартномаларга асосан фойданилади. Бироқ Марказий Осиё давлатлари мустақилликка эришган даврдан бошлаб сув ресурсларининг товар сифатидаги мавқей йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бу жараён республикамизнинг қишлоқ хўжалигидаги суғориладиган ерларга сув етказиб беришда сув тансиқлигини юзага келтирмоқда.

Суғориладиган ерларга сарфланаётган сув миқдорининг вилоят ва ҳудудлар бўйича ҳар хил бўлиши қатор омилларга боғлиқ. Яъни, суғориш тизимлари ва суғориш сувларининг сифати ортиқча ёки кам сув сарфлашга олиб келади. Ҳар гектар суғориладиган ерларга нисбатан камроқ сув сарфланаётган Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятининг аксарият ҳудудларида суғориш сувларининг сифати яхши ёки улар таркибида ҳосилдорликка салбий таъсир ўтказувчи турли хилдаги минераллар кам.

Бироқ Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилояти ва қисман Бухоро вилояти ҳудудларида қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган сувларнинг сифати ниҳоятда ёмон. Бундай ҳолат қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмига сифатига салбий таъсир қилади. Бундан ташқари ерлар шўрини ювишга ортиқча миқдорда сувлар сарф қилинади. Шунинг учун ҳам истиқболда ерлар унумдорлигини ошириш, сувлар сифатини яхшилашга қаратилган барча тадбирлар мажмуасини самарали амалга ошириш натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари


ишлаб чиқаришни юксалтириш мумкин. Бунинг учун эса қишлоқ ва сув хўжалиги тизимида бозор иқтисодиёти тамойилларини тўла жорий қилишга эришиш зарур.

Ўзбекистон Республикаси сув ресурсларини бошқаришнинг олдинги таркибида жами 260 та ташкилотлар фаолият юритган бўлса, амалдаги таркиб эса ўз ичига 101 та ташкилотни бирлаштиради ёки улар сони 159 тага қисқартирилди. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги таркибидаги «Сув хўжалиги бош бошқармаси» зиммасига: Давлатлараро сув хўжалиги комиссияси, Амударё ва Сирдарё сув ҳавзалари, Марказий диспетчерлик хизмати, Ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари фаолиятини самарали ва бозор тамойиллари ҳамда механизмлари асосида ташкил қилиш вазифаси юклатилди.

Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаларининг асосий вазифалари қилиб эса: сувдан фойдаланишнинг бозор принциплари ва механизмларини жорий этиш асосида сув ресурсларидан мақсадли ва оқилона фойдаланишни ташкил этиш, илғор технологияларни жорий этиш асосида сув хўжалигида ягона техника сиёсатини ўтказиш, истеъмолчиларни сув билан узлуксиз ва ўз вақтида таъминлашни ташкил этиш, ирригация тизимлари сув хўжалиги иншоотларининг техник ишончилигини таъминлаш, ҳавза ҳудудида сув ресурсларини оқилона бошқариш ҳамда унинг тезкорлигини ошириш ва сув истеъмолчилари бўйича сув ресурсларидан фойдаланишнинг аниқ ҳисоби ва ҳисоботини таъминлаш қилиб белгиланди.

Ўзбекистон Республикасида сув хўжалигини бошқаришнинг ташкилий тузилмасини таҳлил қилинганда, ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари ва мутасаддилик қилинадиган ташкилотлар ва корхоналардан иборат эканлигини кўринди (2.1.1-расм).

2.1.1 расм. Вилоят сув хўжалиги ташкилотлари структураси





2.1.1-jadval

Buxoro viloyatida g'alla uchun berilgan suv resurslari.

dT/r	Tumanlar	Paxta 2010 yil xosili uchun					Paxta 2011 yil xosili uchun					Paxta 2012 yil xosili uchun					
		Ekilgan paxta maydoni, ga	Jami olingan suv, mln.m3	Jami sugo-rilgan maydon, ga	Sugo-rishlar soni, marta	Olingan paxta xosili, tonna	Ekilgan paxta maydoni, ga	Jami olingan suv, mln.m3	Jami sugo-rilgan maydon, ga	Sugo-rishlar soni, marta	Olingan paxta xosili, tonna	Ekilgan paxta maydoni, ga	Jami olingan suv, mln.m3	1 ga jami sarflangan suv mikdori, m3	Jami sugo-rilgan maydon, ga	Sugo-rishlar soni, marta	Olingan paxta xosili, tonna
1.	Buxoro	12600	88,5	529200	4,2	32760	12600	86,4	51660	4,1	34020	11207	58,1	5184,8	34742	3,1	30258,9
2.	Vobkent	11645	83,7	50074	4,3	31441,5	11645	77,9	46580	4,0	32023,8	11377	64,7	5686,5	38682	3,4	30717,9
3.	Jondor	17100	108,7	64980	3,8	39330	17100	102,4	61200	3,6	39780	15402	87,6	5686,5	52367	3,4	35424,6
4.	Kogon	8400	57,6	34440	4,1	18480	8400	59,0	35280	4,2	18984	8188	46,6	5686,5	27839	3,4	2040
5.	Qorako'l	12200	93,9	56120	4,6	29280	12200	89,8	53680	4,4	29402	11175	72,9	6522,8	43583	3,9	29055
6.	Qorovulbozor	6100	42,8	25620	4,2	13420	6100	39,8	23790	3,9	12810	5947	36,8	6188,3	22004	3,7	13678,1
7.	Olot	10736	80,8	48312	4,5	25766,4	10736	75,4	45087	4,2	26193,4	9715	58,5	6021	34974	3,6	26230,5
8.	Peshku	11219	71,3	42632	3,8	26925,6	11219	69,3	41440	3,7	27104	11012	64,5	5853,8	38542	3,5	26428,8
9.	Romitan	14020	107,9	64492	4,6	35050	14020	96,1	57482	4,1	34349	13731	89,6	6522,8	53551	3,9	35700,6
10.	Shofrikon	12200	83,7	50020	4,1	28060	12200	77,5	46360	3,8	28304	11722	72,5	6188,3	43371	3,7	28132,8
11.	G'ijduvon	11700	88,1	52650	4,5	28080	11700	70,4	42120	3,6	28314	11343	72,1	6355,5	43103	3,8	27223,2
12.	Buxoro Shahri	280	2,2	1288	4,6	896	280	1,9	1148	4,1	924	361	2,4	6522,8	1407,9	3,9	1119,1
	<b>Jami</b>	<b>128200</b>	<b>909,1</b>	<b>543548</b>	<b>4,2</b>	<b>390490</b>	<b>128200</b>	<b>846,0</b>	<b>505827</b>	<b>3,9</b>	<b>312208</b>	<b>121180</b>	<b>726,1</b>	<b>5992,3</b>	<b>434166</b>	<b>3,6</b>	<b>304439,5</b>

**.1.2-jadval**

**Buxoro viloyatida g'alla uchun berilgan suv resurslari.**

T/r	Tumanlar	Galla 2009 yil xosili uchun						Galla 2010 yil xosili uchun						Galla 2011 yil xosili uchun			
		Ekilgan galla maydoni, ming.ga	Jami olingan suv, mln.m3	Jami sugo-rilgan maydon, ming.ga	Sugo-rishlar soni, marta	Olingan galla xosili, tonna	1 tonna gallaga sarflangan suv, m3/tonna (netto)	Ekilgan galla maydoni, ming.ga	Jami olingan suv, mln.m3	Jami sugo-rilgan maydon, ming.ga	Sugo-rishlar soni, marta	Olingan galla xosili, tonna	1 tonna gallaga sarflangan suv, m3/tonna (netto)	Ekilgan galla maydoni, ming.ga	Jami olingan suv, mln.m3	Jami sugo-rilgan maydon, ming.ga	Sugo-rishlar soni, marta
1.	Buxoro	5050	30,9	24240	4,8	19190	1010,5	5512	36,5	28662,4	5,2	19843,2	1155,6	5512	28,8	22599,2	4,1
2.	Vobkent	6800	44,2	34680	5,1	28560	971,4	7200	58,7	46080	6,4	29520	1248,8	7200	38,5	30240	4,2
3.	Jondor	5400	31,7	24840	4,6	18360	1082,4	6164	38,5	30203,6	4,9	20957,6	1152,9	6164	28,3	22190,4	3,6
4.	Kogon	4840	29,6	23232	4,8	16940	1097,1	5176	34,3	26915,2	5,2	19116	1188,6	5176	25,1	19668,8	3,8
5.	Qorako'l	5200	33,8	26520	5,1	19760	1073,1	6116	41,3	32414,8	5,3	23240,8	1115,8	6116	32,0	25075,6	4,1
6.	Qorovulbozor	6600	43,7	34320	5,2	19140	1434,5	6335	41,2	32308,5	5,1	18371,5	1406,9	6335	36,3	28507,5	4,5
7.	Olot	5060	32,2	25300	5,0	17710	1142,9	5426	36,6	28757,8	5,3	18991	1211,4	5426	29,7	23331,8	4,3
8.	Peshku	5000	31,2	24500	4,9	17000	1152,9	5486	35,7	27978,6	5,1	18652,4	1200,0	5486	27,3	21395,4	3,9
9.	Romitan	6200	40,3	31620	5,1	24800	1020,0	6480	42,9	33696	5,2	25920	1040,0	6480	34,7	27216	4,2
10.	Shofrikon	6150	36,8	28905	4,7	22755	1016,2	6644	41,5	32555,6	4,9	24582,8	1059,5	6644	33,0	25911,6	3,9
11.	G'ijduvon	4300	26,8	21070	4,9	16340	1031,6	4731	30,7	24128,1	5,1	17977,8	1073,7	4731	22,9	17977,8	3,8
12.	Buxoro Shahri	400	2,8	2160	5,4	1560	1107,7	330	2,3	1815	5,5	1287	1128,2	330	2,1	1683	5,1
	<b>Jami</b>	<b>61000</b>	<b>384,1</b>	<b>301387</b>	<b>4,9</b>	<b>222115</b>	<b>1085,5</b>	<b>65600</b>	<b>440,3</b>	<b>345516</b>	<b>5,3</b>	<b>237460,1</b>	<b>1164,0</b>	<b>65600</b>	<b>338,7</b>	<b>265797</b>	<b>4,1</b>

Магистрал каналлар (тизимлар) бошқармалари ва ирригация тизимлари бошқармалари эса ирригация тизимлари ҳавза бошқармасининг таркибий бўлинмалари ҳисобланади.

Ирригация тизимлари ҳавза бошқармасига Ўзбекистон Республикаси ва Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг буйруғи билан танлов асосида лавозимга тайинланадиган бошлиқ раҳбарлик қилади. Ҳавза бошқармаси бошлиғининг танлов асосида танланадиган икки нафар ўринбосари бўлади. Шунингдек, ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузурида Сув хўжалиги кенгаши ташкил этилади, унинг таркибига Бошқарма бошлиғи (Кенгаш раиси), ирригация тизимлари ҳавза бошқармасининг фаолият кўрсатиши ҳудудидаги вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиқлари (ёки бошлиқларнинг ўринбосарлари), магистрал каналлар (тизимлар) бошқармалари, ирригация тизимлари бошқармалари бошлиқлари ва бошқа тегишли ташкилотларининг раҳбарлари ҳамда тажрибали ва юқори малакали ходимлар киради.

Ирригация тизимлари ҳавза бошқармасининг молиялаштириш манбалари бўлиб, Давлат бюджети маблағлари хўжалик фаолиятдан ва сув истеъмолчиларига хизматлар кўрсатишдан олинадиган маблағлар, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа фаолиятлардан тушадиган маблағлар ҳисобланади.

Магистрал каналлар (тизимлар) бошқармасининг вазифалари қуйидагилардан иборат. Яъни: магистрал каналлар (тизимлар) ва иншоотлар сув ресурсларини оқилона бошқариш ва унинг тезкорлигини ошириш; магистрал канал (тизим) бўйича сувдан фойдалашнинг белгиланган тартибига риоя қилинишини таъминлаш; магистрал каналлар (тизимлар) ва сув хўжалиги иншоотларининг техник ишончилигини таъминлаш; магистрал каналларни (тизимларни) ишончли фойдаланиш учун тайёрлаш ва уни иш ҳолатида сақлаш сув омбори ва сув бериш тўғрисида ишончли ҳисоб ва ҳисобот юритиш ва сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш ажратилган маблағлар, моддий-техника ресурслари, техника ва асбоб ускуналардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳамда улардан мақсадли фойдаланиш.

Магистрал каналлар (тизимлар) бошқармаси сув ресурсларини бошқаришни ва ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси томонидан белгиланган лимитларга асосан ирригация тизимлари бошқармаларга сув беришни амалга оширади. Бунда, магистрал каналлар бошқармаси ирригация тизимлари ҳамда насос станциялари. Энергетика ва алоқа бошқармалари билан сув бериш юзасидан шартномалар тузади, тизимнинг ички насос станциялари ва агрегатларидан фойдаланиш режимини белгилаб беради.

Таъкидлаш керакки, агросаноат мажмуасининг энг муҳим таркибий қисмини суғориладиган деҳқончилик минтақаларида сув хўжалиги тизими ташкил қилади. Агарда қишлоқ хўжалигида асосий ишлаб чиқариш воситаси ҳисобланган сув ресурсларининг аҳамияти, ўрни ҳамда суғориладиган деҳқончиликдаги моҳияти ҳисобга олинса, сув хўжалиги мажмуасининг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришдаги аҳамияти қай даражада муҳимлигини яққол кўриш мумкин.

## **2.2. Сув истеъмолчилар уюшмасининг техник иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили**

Ер қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг асосий воситаси сифатида сув билан биргаликда амал қилади. Сув эса қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ҳосил бўладиган муқаррар омилдир. Ер оптимал намга эга бўлгандагина унумдор бўлади ва юқори ҳосил олиншини таъминлайди. Ҳосил етиштириш учун қайтмас тарзда сарфланадиган жуда кўп сув керак бўлади. Ўсимлик ўсиши даврида ҳар бир гектар майдон тупроғидан минглаб тонна сув атмосферага чиқарилади. Маҳсулот ҳосил бўлиши учун юзлаб кубометр сув ўсимликлар орқали ўтиб, буғланиши керак. Масалан 1 тонна картошка ҳосилини етиштириш учун 1500 м<sup>3</sup> сув истеъмол қилинмоқда, кузги буғдой етиштиришда—600 м<sup>3</sup> ни пахта етиштиришда 3000 м<sup>3</sup> ни, шоли етиштиришда 13500 м<sup>3</sup> ни ташкил этади.

Маданий ўсимликлар меъёра ривожланиши учун тупроқнинг ўсиш давридаги намлиги 70-75% ни ташкил қилиш керак. Ҳудуднинг катта қисмида эса бундан анчагина пастдир. Тупроқ намлигининг камлиги ёки ортиқчалиги қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги даражасига салбий таъсир этади. Тупроқ сув режимини тупроқ актив қатламида намлик актив балансларини ҳосил қилиш ва уни бутун ўсиш даврида сақлаб туришга қаратилган мелиорация тадбирлари ёрдамидагина тартибга солиб туриш мумкин. Тупроқ сув режимининг тўла тартибга солинадиган турини технологик жиҳатдан мукамал суғориш тизимларига таъминлай олади.

## 2.2.1-жадвал

### Бухоро вилоятида ва унинг ҳудудларига берилган сув ресурси динамикаси.

Туманлар	Туманларга берилган сув					Хужаликларга берилган сув				
	млн.м3			Фоиз		млн.м3			фоиз	
	режа	чекл	амал	режа	Чекл	режа	чекл	амал	режа	чекл
Бухоро	392,1	352,9	329,7	84	93	337,2	303,5	283,6	84	93
Вобкент	361,0	324,9	321,3	89	99	310,5	279,4	276,3	89	99
Жондор	455,6	410,1	410,0	92	102	391,8	352,6	359,5	92	102
Когон	264,5	238,1	233,9	88	98	227,5	204,8	201,1	88	98
Қорақўл	350,1	315,1	314,7	90	100	301,1	271,0	270,6	90	100
Қоровулбозор	224,7	202,2	179,0	80	89	193,2	173,9	153,9	80	89
Олот	303,5	273,2	274,3	90	100	261,0	234,9	235,9	90	100
Пешку	320,2	288,2	294,0	92	102	275,4	247,9	252,8	92	102
Ромитан	389,9	350,9	356,8	92	102	335,3	301,8	306,8	92	102
Шофрикон	394,3	354,9	364,1	92	103	339,1	305,2	313,1	92	103
Ғиждувон	377,1	339,4	345,6	92	102	324,3	291,8	297,2	92	102
Бухоро Шаҳри	30,1	27,1	39,0	130	144	25,9	23,3	33,5	130	144
<b>ЖАМИ</b>	<b>3863,1</b>	<b>3476,8</b>	<b>3470,4</b>	<b>90</b>	<b>100</b>	<b>3322,3</b>	<b>2990,1</b>	<b>2984,6</b>	<b>90</b>	<b>100</b>

Қишлоқ хўжалигида суғориш сувидан фойдаланиш ердан фойдаланиш билан узвий боғлиқдир. Сувнинг истеъмол қиймати суғорма деҳқончиликнинг пировард натижалари ҳисобга олинган ҳолдагина кўриб чиқилиши мумкин. Ишлаб чиқариш воситаси бўлган сувнинг қиймати ишлаб чиқариш жараёнидан ажратилса йўқолади.

Суғориш манбаларидан олинган суғориш суви ўз хусусиятига эгадир. Бу сув белгиланган муддатда ва керакли миқдорда муайян участкага юборилиши керак. Бу шартларни бажармаслик қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига салбий таъсир кўрсатади.

Суғориш сувидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш давлат аҳамиятига молик вазифа ҳисобланади. Сув ресурсларидан самарали фойдаланишнинг моҳияти кам харажатлар билан суғориш суви бирлигига энг кўп маҳсулот олишдадир. Бунга турли хил технологик, ташкилий ва иқтисодий тадбирларни амалга ошириш йўли билан эришилади.

Суғорма деҳқончиликда сувдан фойдаланиш самарадорлигини қуйидаги кўрсаткичлар тавсифлаб беради:

- суғориш тизимининг фойдали ишлаши коэффиценти;
- суғориш тизимида сувдан фойдаланиш коэффиценти;
- суғориш сувининг унумдорлиги.

Қишлоқ хўжалигида сувнинг кўпгина қисми қайтмас тарзда сарфланиши қайд қилиб ўтилди. Сувнинг қайтмас тарзда истеъмол қилиниши сабабларидан бири унинг ирригация тизимларида шимилиши ва буғланиши натижасида йўқотилишидир. Бу йўқотилишлар истеъмол қилинадиган барча сув миқдорининг 20-25%ни, гоҳида эса 40% ни ташкил этади.

Сувнинг йўқотилиши суғориш тизимининг фойдали иш коэффициенти (ФИК)да акс этадики, бу майдонга оқиб борадиган сувнинг ( $W_{н-т}$ ) муайян давр (декада, ой, ўсиш даври) ичида суғориш манбаларидан ( $W_{бр}$ ) олинган сув миқдорига нисбатидир.

$$ФИК_{т} = W_{н-т} / W_{бр}$$

Сув олиш ҳажми билан берилган сув ўртасидаги фарқ шимилиши ва буғланишга кетган йўқотишларни ташкил этади.  $[(1-ФИК)*100]$  ифодаси бўйича тизимдаги сув йўқотишлар фоизи аниқланади.

Суғориш тизимининг фойдали иш коэффициенти хўжаликлараро шаҳобча (ФИК) ва хўжалик ичидаги шаҳобча (ФИК) киради ва бу ифода куйидаги формулада аниқланади:

$$ФИК_{т} = ФИК_{ха} * ФИК_{хи}$$

Фойдали ишлаш коэффициенти суғориш тизимининг техника даражаси, тупрок характери, рельеф ва ҳоказоларга боғлиқ бўлади. У ҳар бир тизим учун йил давомида ўзагариб туради.

Бунда у ерли ўзанларда каналлари бўлган ва гидротехник ишноотлар билан кам жиҳозланган суғориш тизимларида анча кўп тебраниб туради.

Республика вилоятлари бўйича суғориш тизимлари хўжаликлараро шаҳобчасининг ҳақиқатдаги ФИК кўрсаткичлари куйида келтирилган (2.2.2-жадвал).

#### 2.2.2 -жадвал

### Хўжаликлараро суғориш тизимлари фойдали ишлашининг коэффициенти

Т/р	Туманлар	1998– 2000 йиллар	2008–2012 йиллар
1.	Бухоро	0,86	0,86
2.	Вобкент	0,86	0,86
3.	Жондор	0,86	0,86
4.	Когон	0,86	0,86
5.	Қорақўл	0,86	0,86
6.	Қоровулбозор	0,86	0,86
7.	Олот	0,86	0,86
8.	Пешку	0,86	0,86
9.	Ромитан	0,86	0,86
10.	Шофриконт	0,86	0,86
11.	Ғиждувон	0,86	0,86
12.	Бухоро шаҳри	0,86	0,86

Сувнинг анчагина қисми хўжаликлараро шаҳобча ва каналларида йўқолади. Умуман мамлакат бўйича хўжаликлараро ва хўжаликлар ичидаги шаҳобчада суғориш манбаларидан олинган бутун сув ҳажмининг 40% дан кўпроғи йўқолади. Шунинг учун суғориш тизимлари фойдали ишлаш коэффициентининг ўсиши сув тежашининг муҳим заҳирасидир.

Сувдан истеъмолчилар уюшмалари суғорма деҳқончилик учун сув етказиб берувчи ташкилот бўлганлиги туфойли уларнинг техникавий-иқтисодий кўрсаткичлари суғорилган ер майдонининг ҳажми, экин турлари бўйича суғориладиган ерлар, ушбу ерларни ўзлаштириш учун сарф қилинган

маблағлар, олинган ялпи даромад ва фойда, ҳар-бир гектар ерни суғориш учун сарфланган сувнинг умумий миқдори ва бошқа кўрсаткичлар асосий техникавий иқтисодий кўрсаткичлар бўлиб ҳисобланади.

Сувнинг шахобчада йўқолиши катта моддий зарар келтиради. Намнинг бевосита йўқолишидан ташқари, унинг шимилиб кетиши ер ости сувлари кўтарилишига, тупроқларни шўр босишига, суғориладиган ерлар мелиорация ҳолати ёмонлашишига сабаб бўлади. Бундан ташқари бу сувларни суғориладиган участкалардан четга оқизиб юбориш учун кўп маблағ сарфлашга тўғри келади.

### 2.2.3-жадвал

#### Бухоро вилоятида ва унинг ҳудудларида сувдан фойдаланиш кўрсаткичлари

Туманлар	Жами суғориладиган майдон минг.га		Галла суғорилган майдон, минг.га		Яхоб суви берилган майдон минг.га		Хужаликаро тармогини Ф И К		Суғориш мумкин эди минг.га	С Ф К
	режа	амал	режа	амал	режа	амал	режа	амал		
Бухоро	42585	49199	5512	11575	35105	35105	0,86	0,86	51789	0,95
Вобкент	35701	44341	7200	16560	26143	26143	0,86	0,86	46189	0,96
Жондор	45471	52868	6164	14177	36234	36234	0,86	0,86	56242	0,94
Когон	26233	32444	5176	10870	19244	19244	0,86	0,86	34886	0,93
Қорақўл	35816	43155	6116	12844	25406	25406	0,86	0,86	45910	0,94
Қоровулбозор	22870	30472	6335	13304	13661	13661	0,86	0,86	32766	0,93
Олот	31864	38375	5426	10852	24246	24246	0,86	0,86	40825	0,94
Пешку	32760	39343	5486	11521	25004	25004	0,86	0,86	42305	0,93
Ромитан	38549	46325	6480	14904	30359	30359	0,86	0,86	49812	0,93
Шофрикон	40350	48323	6644	13952	31991	31991	0,86	0,86	52525	0,92
Ғиждувон	36527	42204	4731	10550	27709	27709	0,86	0,86	45874	0,92
Бухоро Шаҳри	4222	4618	330	693	3579	3579	0,86	0,86	4913	0,94
<b>Жами</b>	<b>392948</b>	<b>471668</b>	<b>65600</b>	<b>141801</b>	<b>298681</b>	<b>298681</b>			<b>504034</b>	<b>0,94</b>

Сувнинг далаларда йўқотилиши ҳам содир бўлиб туради: бунда сувнинг маълум қисми илдишлар ўсадиган қатламдан пастга шимилиб, ер ости сувларига кўшилади, шунингдек майдонлар сиртидан буғланиб кетади.

Сувнинг умумий йўқолишлари тизим сувдан фойдаланиш коэффициентида (СФКт)ни акс этади. Бу коэффициент ўсимликларнинг майдонлардаги сувни фойдали истеъмол қилишининг суғориш манбаларидан олинган сув миқдорига нисбатидир.

$$СФКт = E \cdot F / W \cdot \bar{p}$$

бунда:

E–қишлоқ хўжалик экинларининг муайян вақт ичида фойдали сув истеъмол қилиши, м<sup>3</sup>/га;

F – суғориладиган майдон, га;

Wбр – суғориш манбаидан олинган сув миқдори, м<sup>3</sup>.

Тизимдаги сувдан фойдаланиш коэффициенти ўсимликлар ҳосил яратиш учун суғориш манбаидан олинган сувнинг қанчасини истеъмол қилишини, [(1 - CФКт)100)] ифодаси тизим ва даладаги сув сарфининг умумий фозини кўрсатади. Суғориш сувининг умумий йўқолишлари суғориш тизимларидаги сувдан уларни техника жиҳатдан ишлатишни яхшилаш ҳисобига оқилона ишлатиш заҳиралари мавжудлигини кўрсатади. Суғориш сувидан фойдаланиш унумдорлигининг кўрсаткичи сувдан фойдаланиш самарадорлигининг умумлашувчи кўрсаткичидир. Суғориш сувидан фойдаланиш унумдорлиги (ССУ) кўрсаткичи эса табиий ёки қиймат кўринишида (АВП) ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг суғориш манбаи (Wбр) дан олинган сувнинг умумий ҳажмига нисбати сифатида аниқланади.

$$ССУ = АВП / Wбр$$

Сув танқис бўлган қурғоқчилик районларида ер майдони гектаридан эмас, балки 1 м<sup>3</sup> сув ҳисобига энг кўп маҳсулот олиш вазифаси қўйилади.

Суғориш суви унумдорлигининг кўрсаткичи синтетик кўрсаткичдир. У тупроқнинг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмида ифодаланадиган иқтисодий унумдорлиги билан чамбарчас боғлиқдир. Бу кўрсаткич қишлоқ хўжалиги корхоналарининг хўжалик фаолияти ва суғориш тизимларини ишлатиш даражасини тавсифлаб беради.

Суғориш сувидан оқилона фойдаланиш муаммоси ҳозирги вақтда фавқулотда аҳамият касб этмоқда. Суғориш техникасини такомиллаштириш ва мавжуд тизимларни таъмирлаш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда. Суғориш тизимларининг техник даражасини ошириш (тизимларини гидротехника ва сув ўлчагич иншоотлари билан жиҳозлаш, каналларга шимилишга қарши қопламалар ўрнатиш, ёпиқ трубопроводлар қуриш, суғоришнинг илғор усуллари қўллаш) ер ва сувдан фойдаланишни яхшилашга ёрдам беради.

## **III БОБ. СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙУЛЛАРИ**

### **3.1. Сув танқислиги шароитида сув ресурсларидан самарали фойдаланиш истиқболлари**

Сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини таъминлашда асосий эътибор сув иншоатларидан самарали фойдаланиш ва бирламчи сувдан фойдаланувчиларнинг сувни истеъмолчига етказиб беришдаги самарадорлигини оширишга қаратиш лозим.

Техник чора-тадбирларни қўлланилиши натижасида каналларда буғланиш туфайли сув йўқотилиши камайтиради, экин майдонларида беҳудага сувни йўқотишларга чек қўйилади. Бизга маълумки, вилоят бўйича суғориш тизимининг фойдали коэффициенти 0,74 га тенг бўлиб, бу кўрсаткич ҳозирча юқори эмас. Бундан ташқари экин майдонларини капитал текислаб туриш, ҳамда экишдан олдин жорий текислаш ишларини ўз вақтида бажарилиши ва экинларни турига қараб жойлаштирилиши сув сарфини камайтиришга олиб келади.

Иқтисодий чора-тадбирлар натижасида сувдан фойдаланишнинг бозор принципларини жорий қилиниши сувнинг аниқ қийматини белгиланишига олиб келади. Бироқ ханузгача бу ҳисоб-китоблар амалиётда синаб кўрилган эмас. Чунки, сув миллий бойлик ҳисобланиб, иккиламчи сувдан фойдаланувчилар сув учун тўловларни бадал шаклида тўлаб келишмоқда.

Агар сувнинг эксплуатация харажатларини ҳисобга олган ҳолда белгиланса, у ҳолда фермерлар учун етиштирилаётган маҳсулотининг таннархи қимматлашади. Фермерларимиз эса ҳали бу харажатларни қоплашга имкониятлари етмайди. Шундай экан, СИУларга ва фермер хўжаликларига сувдан самарали ва тежамкорлик билан фойдаланишлари ва сувнинг аниқ ҳисоб-китобини юритишлари учун, сув олиш нуқталарида сув ўлчаш асбобларини ўрнатишларига ва суғоришнинг замонавий усулларидан фойдаланишларига давлат томонидан кўмак сифатида лизингга керакли воситаларни сотиб олишларига имконият яратилса кўзланган мақсадга эришиш мумкин бўлади.

Маъмурий чора-тадбирларнинг қўлланилиши асосан сувни ишлатиш ва тарқатишни назорат қилиш, яъни сув ҳавзаларининг бош сув тарқатиш тизимидан бошлаб, сувни экин экилган майдонга етказилгунга қадар назорати олиб борилади. Лекин, сувдан самарасиз фойдаланган истеъмолчилар учун жарималарни белгилаш ва унидириш ҳамда сувдан самарали фойдаланган истеъмолчилар учун эса рағбатлантириш механизмларини юритиш ирригация тизимлари бошқармаларига ва СИУлар зиммасига юклатилади.

Ташкилий чора-тадбирларнинг қўлланилиши биринчи навбатда суғориш сувларини етказиб берувчилар билан шартнома муносабатларини ҳуқуқий асослари тўғри ташкил этилади, иккинчидан хўжаликлар ичида ердан фойдаланиш шаклини замонавийлаштириш, яъни сувни бошқаришни

таъминловчи гидротехник жихозлар, сув ҳажмини ўлчаш қурулмалари билан таъминланади, учинчидан, ишлаб чиқаришни ташкил қилишда ер, сув, ва техника воситалари бир-бирини тўлдирган ҳолда, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигининг ошишига ёрдам беради. Бошқа томондан эса суғориш сувларидан юқори даражада фойдаланишга яъни, сув захираларидан самарали фойдаланишга, техник ва меҳнат захираси самарадорлигини оширишни таъминлайди.

Таклиф этилаётган экологик чора-тадбирлар натижасида ерларнинг шўрланиб кетиши олди олинади, ер ва сув эрозиясига учрамаслик чоралари кўрилади. Бинобарин, суғорма деҳқончиликда суғориш суви тупроққа, ўсимликка, агротехниканинг усуллари ва макроиклимга маълум даражада таъсир кўрсатади. Суғориш усуллар тўғри танланганда ва суғориш муддатлари, сони оптимал бўлганда, шунингдек, суғориш техникаси тўғри амалга оширилганда суғориш сувининг ижобий таъсирини, суғориш режими ва техникаси бузилганда эса сальбий ҳолатларнинг тури ва миқдори ортиб боради. Хусусан, захобнинг кўтарилишига, ерларнинг иккиламчи шўрланиши, ботқоқланиши, тупроқнинг зичланиши, берчланиши, унинг сув-озика режимлари ҳамда зоофаунаси ва микрофлораси экологик муҳитининг бузилиши, шунингдек, тупроқнинг ирригацион эрозияга учраши туфайли унумдор қатламнинг емирилиши каби қатор салбий оқибатларга юзага келади. Чунончи, ирригацион эрозия тупроқнинг унумдорлигига қирон келтирувчи оқибатдир. Шундай экан, суғорма деҳқончиликда қўлланиладиган агротехника ва ирригацион эрозияга қарши барча тадбирлар мазмунан мелиоратив бўлиши ва улар тупроқни ҳимоя қилишга қаратилиши зарур. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ўсимликларни эгатлаб суғоришда тупроқни эрозиядан ҳимоя қилишнинг бир неча усуллари мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

- Эгатлаб суғориш техникасини тўғри ташкил этиш. Эгатлаб суғоришни ташкил қилишда дастлаб ерларнинг нишаби, тупроқнинг сув ўтказувчанлиги, эгатларнинг узунлиги ва уларга қўйиладиган сув оқимининг миқдорлари билан белгиланади. Эгатларга сувни шундай тақсимлаш керакки, бунда уларга қўйиладиган сувнинг миқдори тупроқнинг сув шимиш даражасидан кичик бўлсин. Ана шунда эгатлар ичида намланиш олдинда, оқим эса орқада боради, тупроқнинг эрозияланиши кескин камаяди.

- Суғоришда оптимал меъёрларни қўллаш. Кузатишларга қараганда, аксарият ҳолларда оптимал меъёрларда суғоришга эътибор қилинмайди. Масалан, ғўзани катта меъёрларда суғоришда сувчилар захлатиб суғоришни хуш кўрадилар ва оқибатда сувнинг катта (30-40 % ва ундан ортиқ) қисмини оқовага чиқариб юборадилар. Оқовага чиқадиган сув билан тупроқнинг тонналаб лойқа заррачалари ҳам ювилиб кетади. Шу боис ғўзани оптимал меъёрларда, сувни оқовага чиқармай, суғоришни ташкил этиш ирригацион эрозияга барҳам беришнинг самарали усулидир.

- Суғоришда прогрессив усулларни қўллаш. Ҳозирги даврда тупроқ остидан суғориш, ёмғирлатиш, айниқса, томчилатиб суғориш усуллари кенг йўл очилмоқда, бунда ҳеч қандай тупроқни эрозияланишига йўл

колмайди. Қуйида келтирилган 3.1.1-жадвалда томчилатиб суғориш тизимларининг иқтисодий кўрсаткичлари таҳлил қилинган.

### 3.1.1-жадвал

#### Томчилатиб суғориш тизимларининг иқтисодий кўрсаткичлари<sup>3</sup>

т/р	Кўрсаткичлар	Паст босимли (Ўзбекистон)	Квин-Гиль (Исроил)	SUNSTEAM (Туркия)
1	1 га учун сарф-харажат: минг сўм А) қатор оралиқ экинлар Б) боғ ва узумзорлар	1100,0 400,0	5000,0 2500,0	5600,0 2800,0
2	1 га учун сарфланадиган материал кг да: А) қатор оралиқ экинлар Б) боғ ва узумзорлар	150,0 50,0	800,0 400,0	600,0 400,0
3	Талаб этиладиган сув босими, м.сув устунида	1,0-2,5	25,0	20,0
4	Тизимни ишлатиш учун талаб этиладиган насос қурилмаси	Талаб этилмайди	Талаб этилади	Талаб этилади
5	Сувни тозалаш учун-фильтр зарурияти	Талаб этилмайди	Талаб этилади	Талаб этилади
6	Иқтисодий самарадорлик (АҚШ долларида): -қатор ораларини ишловини камайтириш -ҳосилдорлик ошиши  -минерал ўғитлар ва химикатлар -суғоришда сувни иқтисоди	340,0 850,0 170,0 340,0	340,0 850,0 170,0 340,0	340,0 850,0 170,0 340,0
7	Технологияни жорий этиш капитал харажатлар, АҚШ доллари	2500,0	12500,0	14000,0
8	Хизмат муддати, йил	3-8	3-8	3-8
9	Харажатларни қоплаш муддати	1	5	6

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, томчилатиб суғориш технологияни жорий этиш харажатлари Квин-Гиль (Исроил)да 12500 АҚШ долларни, SUNSTEAM (Туркия)да эса 14000 АҚШ долларни ташкил этмоқда. Бироқ Ўзбекистонда паст босимли томчилатиб суғориш технологиясининг жорий этиш харажатлари атиги 2500 АҚШ долларни ташкил этади холос. Ҳар учаласининг ҳам хизмат муддати 3 йилдан 8 йилгача бўлиб, харажатларни қоплаш муддати Ўзбекистонники учун бир йил, Исроилники 5 йилгача ва Туркия технологиясининг харажатларини 6 йилгача қоплаш мумкин бўлади.

Шуни қайд қилиш керакки, томчилатиб суғориш тизими суғориш сувининг сифатига, минерал ва органик моддалар суспензияси таркибини

<sup>3</sup> Вилюят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси маълумотлари асосида ишлаб чиқилган.

юқори талабларда тайёрлашга, ҳамда томчилатиб суғориш тизими ва унинг асосий қисмлари бўйича хизмат қилувчи мутахассисларни юқори малакада тайёрлаш заруриятини талаб этади. Шунингдек, тизимнинг ишлаш қобилияти электр энергия мавжудлиги (электр насослар учун) ва ёнилғи (дизел насослар учун) ҳамда тизимни доимий назоратда, ишга яроқсиз томизғичларни тезкор алмаштириш, вегетация даврида фильтр ва қувурларни серлойка фракциялардан профилактик ювишга, тозалашга боғлиқдир. Томчилатиб суғоришнинг юқори қиймати, бизнинг ҳисоб-китоблар бўйича ўртача 5-6 йилда қопланади.

Бугунги кунда Бухоро вилоятида суғориладиган ерларнинг 147966 гектари (қарийиб 28 фоизи) ирригацион эрозияга учраган, унинг 88,3 фоизи-кучсиз, 10,0 фоизи- ўртача ва 1,7 фоизи- кучли даражада ювилгани эътиборга олинса, яшаш манбаи бўлган тупроқни шу офатдан сақлаб қолиш чоратadbирларини қўллаш айни мудао бўлади.

Ушбу тадбирлар керакли иқтисодий механизмларни ишлатиш орқали амалга оширилади. Шунингдек, таъкидлаш жоизки, хўжаликлар ичида ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш сувдан фойдаланишда бозор муносабатларини қўллаш учун ташкилий базаларни тузиш мақсадида ўтказилади. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш асосида сувдан фойдаланганлиги учун тўлов тизимига ўтишни тақозо этади.

Ушбу шароитлардан келиб чиққан ҳолда, сув учун тўлов услубини қўллаш, хўжаликлар ичида ишлаб чиқаришни замонавийлаштиришнинг такомиллашган йўллариغا ўтиш заруриятини келтириб чиқаради. Тадқиқотлар натижасида қуйидаги кўрсаткичлар тавсия этилади:

- Ердан фойдаланишда иқтисодий механизмларни фақат кооператив корхоналар ҳажмида йўлга қўйиш мумкин бўлади. Сувдан самарали фойдаланиш самарадорлигини ошириш механизминини ишга тушишириш учун хўжаликлар ичида ишлаб чиқариш корхоналари ер бўлимлари чегарасида сув ўлчаш асбобларини ўрнатиш зарур;

- Хўжалик корхоналари ер бўлимлари ишлаб чиқаришни ташкил қилиш шакли тузилиши асоси билан ҳисоб-китоб қилади. Ҳар бир суғориш харитаси ҳажми ва конфигурациясига қараб, барча тракторлар, йиғим-терим ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналарининг иш фаолияти ўзгаради, балки агротехник тадбирларни олиб бориш тартиби ҳам ўзгариши мумкин;

- Суғориш харитасида барча агротехник тадбирларни яъни, ҳайдаш, экиш, культивация, суғориш ишларини ўз вақтида бажарилишини иккиламчи сувдан фойдаланувчиларга асосий вазифа қилиб белгиланади;

- Сувли ерлар деҳқончилигида аграр деҳқончиликдан фаркли ўлароқ, агротехник тадбирларни ўтказиш тизими суғориш ўтказиш тартибига бўйсўнади. Бирор агротехник ишни суғориш ишларидан четлаб ўтилиб бошқа ишга алмаштириш имкони йўқ. Хусусан, пахтачиликда суғориш давомийлиги барча ишларни олиб бориш циклига боғлиқ бўлади; культивация, ўғит солиш ва бошқалар. Сув тақчиллиги шароитида сувдан самарали фойдаланишнинг материал масъулиятини кучайтириш орқали суғориш тизимидан фойдаланиш самарадорлигини янада оширади;

- Сув учун потенциал тўловчи бўлган ердан фойдаланувчилар сувдан мақсадга мувофиқ фойдаланиш механизми самарали фаолият юритиши учун ўз мироблари бўлиши шарт. Суғориш тармоғи битта сувдан фойдаланувчилар уюшмасини сув билан таъминлашни ҳисоб-китоб қилиши мақсадга мувофиқдир.

Мамлакатимизнинг сув билан таъминланиш даражасининг барқарорлиги кўшни давлатлар ҳудудида жойлашган сув омборларининг иш режимига боғлиқдир. Сув танқислиги асосан вегетация даврида яъни, экинларни айна ҳосил тўплаш даврида кескинлашмоқда ва бунинг салбий таъсири нафақат иқтисодий-ижтимоий, балки экологик йўқотишларни ҳам келтириб чиқармоқда.

Ҳудудларнинг иқлим зонаси, тупроқнинг механик таркиби, ерларнинг шўрланиш даражаси, экинларнинг нави ва экиш муддарлари каби омилларга асосланиб, сувни навбат билан “айланма график” асосида бериш ташкил этилади. Айланма графикнинг асосий мақсади: 1) хўжаликлараро ва хўжалик ичидаги суғориш тармоқларининг сув сифими доирасидан тўғри фойдаланиш; 2) қишлоқ хўжалик экинларини ўз вақтида сув билан тўлик таъмин этиш; 3) суғориш сувидан самарали фойдаланиш, яъни сув исрофгарчилигига барҳам бериш; 4) сувчиларнинг ва қишлоқ хўжалик машиналарининг иш унумини ошириш ва уларнинг меҳнатини тўғри ташкил этишдан иборатдир.

### **3.2. Сувдан фойдаланиш таркибини мувофиқлаштиришнинг асосий жиҳатлари**

Сув танқислиги шароитда сувни тежаб сарфлаш сув манбаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, сувнинг ерга шимилиб исроф бўлишини олдини олишни талаб этади. Мавжуд суғориш усулларининг мукамал эмаслигидан суғоришга берилаётган сувдан фойдаланиш даражаси пастлигича қолмоқда. Далалар нотекис намланмоқда, суғориш меъёрлари кўтарилмоқда, ерларнинг шўрланиш, ботқоқланишига асос солинмоқда.

Бинобарин, суғориш техникасининг фойдали иш коэффициенти (ФИК) 0,5 дан юқори бўлмаслиги ва далага берилган сувнинг 31 %и зое кетиши бу “суғориш техникаси ва технологияси”, деб аталувчи бўғинга боғлиқдир. Бу марказий функционал бўғин сувни суғориладиган дала бўйлаб тақсимлайди ва бунда 4та асосий усул: устки суғориш яъни, эгатлаб (пайкаллар бўйлаб, жўяклар бўйлаб, кўлоблатиб), ёмғирлатиб, томчилатиб ёки тупроқ остидан ва эгиловчан шланглар ёрдамида суғоришда фойдаланилади.

Оқизма устки суғоришда (жўяклар бўйлаб, пайкаллар бўйлаб ва кўлоблатиб) бутун дунё суғориладиган деҳқончилигида ҳали амалий ҳал этилмаган иккита муаммо мавжуд, у ҳам бўлса: суғориш шахобчаларидан сув суғорилаётган майдонлар кенлиги бўйлаб бир текис тақсимланмаслиги ҳамда даланинг узунлиги бўйлаб сувнинг бир маромда оқиб бормаслигидир. Бу эса тупроқнинг намни шимиш қонуниятларига кўра шундай бўлиши керак. Мана шу ҳолатни ҳисобга олиб, Ўрта Осиё илмий-текшириш институтида тупроққа сувнинг сингиши ва даланинг қиялигига боғлиқ

равишда суғориш техникаси (жўякларнинг узунлиги ва сувнинг жўяклар бўйлаб сарфланиши) энг мақбул элементларини танлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган, бу тавсиялар амалдаги қурилиш меъёрлари ва қоидаларига қаратилган. Мақбуллаштиришнинг бош мезони сифатида суғориш техникасининг фойдали иш коэффициенти (ФИК) қабул қилинади, у нетто суғориш меъёрларининг брутто суғориш меъёрига нисбатини ифодалайди, бу меъёрлар бўйлаб намланиш даражасига қараб аниқланади.

Суғориш техникаси элементларининг энг мақбул белгилари, идеал даражадаги текислаш ва сувнинг бир меъёрда оқиши таъминланган тақдирда ҳам жўяк охирида ФИКни 0,69дан юқори қилиб бўлмайди, демак, далага берилган сувнинг 31 фоизи зое кетади. Амалдаги ишлаб чиқариш шароитида суғориш техникасининг ФИК 0,5дан юқори бўлмайди. Бироқ, жўяклар бўйлаб суғоришнинг ҳажмсиз ўлчамлари назариясидан келиб чиқиб, мазкур суғориш технологиясининг ФИК ўртача 0,5дан юқори бўлиши мумкин эмас, фақатгина уни жўяклар узунлигини қисқартириш ҳисобига ошириш мумкин бўлади. Жўяк бўйлаб суғориш пайтида исроф бўлган сувлар шунчаки йўқотишлар эмас, балки зарарли чиқиндилардир, уларни тозалаш талаб этилади. Мана шундай исрофгарчиликларга ёмғирлатувчи машиналарни қўллаган ҳолда суғоришнинг илғор усулларига ўтиш туфайлигина эришиш мумкин. Бунда суғориш нормаси 750 м<sup>3</sup>/га дан юқори бўлмаслиги керак. Бутун дала бўйлаб суғоришнинг 0,7-0,9 дан кам бўлмаган бир текисликка эришиш мумкин, пахта ҳосилдорлиги гектарига 45-55 центнерга кўтарилади, (ҳозирги 25-28 ц/га ўрнига), суғоришнинг ФИК 1га яқинлашади. Ваҳоланки, ёмғирлатиш пайтида ҳавода сувнинг 20 фоизигача исроф бўлади, деган фикр мутлақо нотўғридир. Чунки Ўрта Осиё илмий-текшириш институти олимларининг илмий тадқиқотлари натижасига кўра, ҳавода намликнинг йўқолиши фақат дастлабки дақиқаларда 3-4 фоизни ташкил этади, кейин эса 5-6 дақиқа мобайнида 1 фоизга қадар камаяди. Бунда вужудга келган микроклим кейинги бутун суғориш давомида барқарор равишда сақланиб туради. Масалан, “Кубань” суғориш машинасидан фойдаланилганда ҳаво ҳарорати суғориш олдидан 38<sup>0</sup>С, намлик эса 93 фоизни ташкил этади.

Яна шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, ёмғирлатиб суғоришда сувни камида 35-45 фоизи миқдорда тежаш ҳамда ҳосилдорликни 30 фоизгача ошириш имконини беради. Агар вилоятнинг 512 минг гектар суғориладиган жами ерларини оддий эгат бўлаб, 4528 млн.м<sup>3</sup> сув билан суғорадиган бўлсак, ёмғирлатиб суғоришда 1811,2 млн.м<sup>3</sup> сув иқтисод қилиниши мумкин. Демак, 4528 млн.м<sup>3</sup> ҳажмдаги сув билан 512 минг гектарни эмас, балки 717,8 минг гектарни суғориш мумкин бўлади.<sup>4</sup> Истиқболда яқин 50 йил ичида вилоятнинг суғориш учун ажратилган барча ерларини суғориш имконияти яратилади. Бироқ, ёмғирлатиб суғориш усули ҳаво ҳарорати 35-38<sup>0</sup>С бўлгандагина фойдаланиш мумкин бўлади. Бундан ташқари ёмғирлатиб суғориш усулининг харажатлари йилига 228 млн.доллардан сарфланиши

---

<sup>4</sup> [www.ski.ilm.uz](http://www.ski.ilm.uz)

керак бўлади. Асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб берувчи фермерларнинг бунга имкониятлари чекланганлиги ҳамда вилоятнинг вегетация даври айнан ёз ойларига тўғри келишини инобатга оладиган бўлсак, ёмғирлатиб суғориш усулидан фойдаланиш бизнинг ҳудудимиз учун яхши натижа бермайди.

Кейинги йилларда қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида эгилувчан шланг билан суғориш усулидан ҳам кенг фойдаланилмоқда. Бу усулда пайкалда вақтинчалик ўқ ариқлар олишга ҳожат қолмайди. Натижада, бир томондан, гектар тўлиқ бўлишига эришилса, иккинчи томондан, барча эгатлардан сув бир меъёردа берилиши таъминланади. Бундай шланглардан фойдаланилганда меҳнат унумдорлиги эгат билан суғорилгандагига қараганда 3-4 фоизга қисқариб, бир гектар ерни суғориш учун 11,8 иш куни сарфланади (оддий усулда эса 12,2 иш куни сарфланмоқда).

Агар томчилатиб суғориш усулининг самарадорлиги ҳақида гапирадиган бўлсак, сувдан тежамли ва самарали фойдаланиш, қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ошириш, минерал ўғитлар, ўстирувчи ва ривожлантирувчи моддалар, гербецидларни сув билан аралаштириб беришга имконият берувчи истиқболли усуллардан бири бўлиб ҳисобланади. Бу усул қўлланилганда аввало тупроққа ишлов бериш ишлари кескин камаяди, ёнилғи-мойлаш материаллари сарфи 30-40, минерал ўғитлар сарфи эса 20-25 фоизгача камаяди. Вегетация даврида суғориш кичик меъёрлар билан тез-тез ўтказилиши натижасида тупроқнинг сув-ҳаво тартиби яхшиланиб, суғориш оқовасиз ўтказилади. Мавсумий суғориш миқдори 35-50 фоиз тежаллади, тупроқнинг юқори қатлами донадор ҳолда сақланиб, унумдорлиги яхшиланади.

ЎзПИТИнинг кўп йиллик тадқиқотларига кўра, оддий эгат орқали суғориш усулида ғўза ўсув даврида 6-7 марта қатор оралиғига ишлов берилса, гектарига 45-53 кг ёнилғи сарфланади, томчилатиб суғориш усулида қатор орасига 3-4 марта ишлов берилиб, 25-30 кг ёнилғи сарфланади. Бундан кўринадики, томчилатиб суғориш усулида ғўза қатор оралиғига тракторларнинг кириши 2-3 марта камайиб, ёнилғи-мойлаш материаллари 35-40 фоизи тежалиш имконияти туғилади. Шунингдек, тупроқнинг агрофизик хусусияти ортади.

Типик бўз тупроқлар ирригацион эрозияга мойил бўлиб, ҳар йили ғўза майдонларини суғориш натижасида гектаридан 24-26 тонна тупроқ ювилади. Суғориш сифатсиз, нотўғри ва юқори сув меъёрида ўтказилганда бу кўрсаткич 40-45 тоннагача етиши аниқланган. Томчилатиб суғориш оқовасиз ўтказилганлиги боис ирригацион эрозия тўлиқ бартараф этилади. Натижада тупроқ ювилишининг олди олиниб, унумдорлиги яхшиланади. Қолаверса, ирригация эрозияси натижасида ювиладиган тупроқ билан бирга гумус ва озуқа элементларининг ювилиши бартараф этилиб, минерал ўғитлардан ўсимлик тўлиқ дуркун ва баранж ўсиб ривожланиши таъминланади ва кўшимча 2-3 та кўсак ўсиш имкони яратилади.

Вегетация мобайнида ғўза оддий эгат орқали суғориш усулида 5-6 марта суғорилганда ўртача 5673 м<sup>3</sup>/га сув сарфланса, томчилатиб суғориш усулида эса ғўза 7 марта суғорилиб, мавсумий суғориш меъёри 3663 м<sup>3</sup>/гани ташкил этади. Натижада гектарига 1810 м<sup>3</sup>/га (31,9%) сув тежалишига эришилади.

Демак, томчилатиб суғориш усулининг самараси оддий эгат орқали суғориш усулидан устун экан, бугунги сув танқислиги сезилаётган даврда вилоятимиз қишлоқ хўжалигида суғоришнинг ушбу усулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Томчилатиб суғориш усули қўлланилган майдонларнинг ҳаво айланиши яхшиланиб, ғўза куёш ҳарорати ва нуридан яхши фойдаланади. Бундан ташқари томчилатиб суғоришда сув қувур орқали фақат ғўза тупи атрофини намлайди. Қатор ораларига намнинг етишмаслиги эса бегона ўтлар кўпайишини кескин камайтиради. Умуман олганда томчилатиб суғориш натижасида ўсимлик илдиз қисмида сув етишмовчилиги олди олинади, нисбатан кам сув сарфланади. Озгина сув билан кенг майдонларни суғориш мумкин бўлади. Бу усулда сувни далага келтириш ва ундан унумли фойдаланиш имконияти жуда катта. Паст босим ва ҳаракат билан ўсимлик илдиз қисмига юборилган сув сингиш орқали тупроқ ичига киради, капиллярлар ёрдамида тақсимланиб, ўсимлик илдизи ва атрофини намлантиради. Ўсимликларни томчилатиб суғориш натижасида сув сарфи куйидагича иқтисод қилинади:

- узумзорларни суғориш учун – 23 %; помидорни суғориш учун – 50%; ғўзани суғориш учун эса – 27% сув иқтисод қилинади.

Сув иқтисод қилиниши билан бир қаторда юқоридаги ўсимликларнинг ҳосилдорлиги ҳам куйидагича бўлади: 45%, 48% ва 39% .<sup>5</sup>

Мамлакатимизда кутилаётган сув танқислигини олдини олиши мақсадида Бухоро вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси томонидан “Томчилатиб суғориш технологияси” бўйича дастур ишлаб чиқилди.

Аксарият фермер хўжаликларининг суғоришнинг илғор усулларини қўллаш учун зарур техника ва воситаларни сотиб олишга молиявий жиҳатдан қурблари етмаслиги табиий албатта. Шунинг учун ҳам, уларга суғоришнинг илғор технологияларини ва усулларини жорий қилиш мақсадида зарур воситаларни лизинг асосида етказиб беришни ташкил этиш зарур.

### **3.3 Хорижий мамлакатларда хўжалик ичида сувдан фойдаланишнинг ташкил этилиши.**

Дунёда сув хўжалик тизимларини фақат давлат тузилмалари орқали тўлик бошқариш ҳоллари борган сари жуда кам учрамоқда. Фақат давлат томонидан бошқариш принципи ва бу жараёндан сув истеъмолчиларни чиқаришни амалга ошириш давлатга жуда қимматга тушади. Шу сабабли давлат сув хўжалиги тизимини бошқариш бўйича вазифаларининг бир қисмини сув истеъмолчилар ташкилотларига, кўпроқ сув истеъмолчилар уюшмаси (СИУ) деб номланган

<sup>5</sup> . [www.eastview.com](http://www.eastview.com)

ташкilotларга топширади. Охирги таъриф сув ресурсларидан фойдаланувчи кишилар (шахслар)нинг уюшган гуруҳини англатиб, у сув хўжалиги тизимини у ёки бу шаклда бошқаришда иштирок этади ва унинг таъминоти ва тараққиёти бўйича вазифаларни бажаради. СИУнинг мавжуд шакллари куйидаги вариантлар бўйича тасниф қилиш мумкин

- давлат билан ҳамкорликда бошқариш;
- давлат томонидан бошқариш пайтида сув истеъмолчилар системасининг мулкка эгаллиги;
- сув истеъмолчилар тўлиқ назорат қилишади. Вариантларнинг бир-биридан фарқи - бу, аслини олганда, давлат ва сув истеъмолчилар ўртасида сувни тақсимлаш ва мулкни таъминлашни бошқариш бўйича масъулиятни тақсим этишдир. Биринчи ва иккинчи вариантлар энг кўп тарқалган шакллар ҳисобланади. Охирги вариант жуда ҳам кам, асосан, катга бўлмаган маҳаллий даражадаги тармоқларда учрайди. Сувдан фойдаланишни бошқариш давлатнинг энг муҳим вазифаси ҳисобланиб, у орқали сув ресурсларидан фойдаланишнинг салбий оқибатлари олдини олиш мақсадидаги назорат қилиш ва гаъсир қилиш ишлари тушунилади. Бошқариш ишлари сув ресурсларини тақсимлаш соҳасида, сув истеъмолчилар ва халқ хўжалиги тармоқлари ўртасидаги баҳсларни хал этишда, сувнинг сифатини сақлаб туришда, баҳо белгилашда ва фаолиятининг бошқа соҳаларида амалга оширилади. Давлат ва сув истеъмолчилар ўртасидаги вазифаларни тақсим этиш ҳам сув хўжалиги тизимлари даражасига боғлиқ равишда ўзгариб туради. Кўп тизимга эга бўлган дарё ҳовузлари даражасида давлат деярли ҳамма вақт асосий рол ўйнайди. Асосий тизим даражасида сувдан фойдаланувчи муайян қарорлар қабул қилишда иштирок этиши мумкин, бироқ давлат тизимининг эгаси сифатида, мунтазам ролини сақлаб қолади ҳамкорликда бошқариш кўпроқ тармоқ ости даражасида ва сув истеъмолчилар ўртасида сув ресурсларини тақсимлашда, давлатнинг иштироки энг кам бўлган даражада учраб туради.

Сувдан фойдаланишни СИУ орқали ташкил этиш ривожланган мамлакатларда деярли ҳар тарафлама кенг тарқалиб, ушбу шакл сув ресурсларини бошқаришнинг самарали шакли сифатида мустахҳам мавқега эга. Кейинги йилларда ушбу шаклни ривожланаётган мамлакатларда ҳам биргаликда жорий этиш бошланди. Бунга куйидаги омиллар ёрдам беради:

- ерга хусусий эгалик ва жуда кўп майда ер эгаларининг мавжудлиги;
- бозор муносабатларининг ривожланиши ва капитал бозорининг шаклланиши;
- қадимги демократик анъаналар ва кишиларнинг ўзларини бирлаштириш қобилияти.

Уюшмани ташкил этиш. СИУ мавжуд хўжаликни бошқариш тизимида ташқи таъсирлар остида, биринчи навбатда ўзини давлат сув хўжалиги ташкilotлари кўринишида ифода этган давлат таъсирида вужудга келади. Улар ердан фойдаланувчилар ўртасида СИУнинг мақсад ва вазифалари, унинг мавжуд сувдан фойдаланувчи ташкilotларидан афзал жиҳатларини тушунтириб тарғибот ишларини олиб борадилар. Бироқ, СИУ ташкilotи, умуман олганда, тўғридан-тўғри СИУга катта ишонч билан қарайдиган ва унинг ишлари

ташқаридан келтирилгани учун эмас, балки ўзлари тузгани учун ҳам шахсий маъмурият билан сув истеъмолчилар томонидан тузилади. СИУ мавжуд сув хўжалиги тизимлари асосида тузилганда анча самарали бўлади, чунки бу ерда сув истеъмолчилар талабларини мувофиқлаштиришдаги қоидалар ва муносабатлар бўйича малака ва ишлаб чиқариш йўллари сақданиб қолади.

**Уюшма аъзолари.** Агар СИУ аъзолари мумкин қадар манфаатларга эга бўлсалар шу қадар барқарор бўлади. Умумий манфаатлар сув ресурсларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлгани учун ҳам, СИУ кўп ҳолларда сув ресурсларининг ягона манбасига эга бўлган суғориш тармоқлари, чегарасида шаклланади.

Суғориш тармоқлари чегарасида СИУ сув истеъмолчилари доирасини кенгайтириш зарур. СИУда сув истеъмолчилар гуруҳининг иштирок этмаслиги уларнинг ҳуқуқий жиҳатдан тенгсизлигини келтириб чиқарди, шунингдек СИУга келиб тушадиган потенциал тушумларни қисқартиради. Бу эса СИУ аъзолари ва унга аъзо бўлмаганлар ўртасида тенгликни келтириб чиқарди, ҳатто СИУ аъзолари сони кўпчиликни ташкил этган ҳолларда ҳам улардаги асосий ўринни маҳаллий элита эгаллаб олиб, улар маълум шахслар манфаати йўлидаги сиёсатни олиб борадилар. Шу нуқтага назардан СИУ аъзолигига иложи бўлса бошқаларни, саноат, шаҳар ва ирригацияга тегишли бўлмаган сувдан фойдаланувчиларни жалб этиш керак.

**Уюшманинг катталиги.** СИУнинг ҳудудий катталиги масаласи оддий иш эмас. Амалда улар 2 га дан 200,0 минг га.гача бўлган майдондан ва бир нечтадан бир неча мингтагача сув истеъмолчилардан ташкил топади. Мадомики, майдон сув келтириш масофасига, аъзолар эса сув истеъмолчилар талабларини мувофиқлаштириш мураккаблигига таъсир этар экан, СИУнинг майдон масаласидаги асосий мураккаблик майдон ва аъзолар сони ўртасидаги тақсимотда вужудга келади. Тажриба шуни кўрсатадики, анча йирик СИУ сув истеъмолчилари талабларини мувофиқлаштиришда вақтни кўлдан бой беришлари мумкин, бироқ СИУнинг иқтисодий самарадорлиги томонидан фойда кўрадилар, яъни камроқ харажатлар сарфлайди. Майда СИУ сув истеъмолчилар талабларини анча юқори даражада мувофиқлаштиришлари, сувдан фойдаланиш қоидаларини жуда кам ҳолларда бузишга йўл кўйишлари бироқ жуда катта солиштирма харажатлар сарфланиши билан ажралиб туради. Йирик СИУ аъзолари йирик ер эгалари бўлган ҳолатда, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш кўп харажатларни талаб қилмаганда анча самарали ҳисобланади. Майдон жиҳатдан йирик ҳисобланган СИУ ва кўплаб майда ер эгалари учун сарф харажатлар сув хўжалиги тармоғининг транспорт, алоқа, автоматлаштириш, эксплуатация ходимларининг малакаси юқори бўлиши каби инфратузилмаси тараққий қилган бир пайтда анча қисқариши мумкин.

**Уюшмалар Федерацияси.** СИУ иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари билан бири ташкилотларнинг федератив тизимидир. Бу сув хўжалиги тармоғини бошқаришдаги ҳар қандай даражадаги СИУ ўртасидаги ишларни мувофиқлаштиришини амалга оширишга имкон беради. Умумий сув ресурслари манбаи билан боғлиқ бўлган маҳаллий даражадаги СИУ анча юқори даражадаги сув тақсимотини амалга оширадиган СИУда ўз вакилларига эга бўлишлари

мумкин. Юқори даражадаги СИУ эса янада юқорироқ даражадаги бирликка тўпланиши мумкин ва хоказо, охир-оқибатда эса бутун тармоқда пирамидасимон тузилма чосил бўлади. Бундан ташқари тармоқ СИУга фаолият спектрини кенгайтиришга имкон беради, сув истеъмолчилар ва давлат тузилмаси ўртасидаги муносабатларни енгилаштиради. Сув истеъмолчиларнинг фикрига, мухтор СИУ бошқа ташкилотлар билан, бошқа манфаатдор гуруҳлар билан бўлган муносабатлар жараёнида катта салмоққа эга бўлган СИУ федерацияси каби самарадор бўлолмайди. Федерацияга мансуб тузилманинг муҳим ютуғи сув ресурсларини тақсим қилиш бўйича қарорлар қабул қилиш жараёнида сув истеъмолчилар нуфузини оширишдир.

**Уюшма объектларицан фойдаланиш шакллари.** СИУ объектларидан фойдаланишнинг уч хил тури мавжуд. Биринчиси - эксплуатация ишларини сув истеъмолчиларнинг ўзи бевосита меҳнат қилиш билан бажарадилар. Иккинчисида эксплуатация ишлари фақат ёлланма ходим воситасида бажарилади. Ва ниҳоят учинчиси сувдан фойдаианувчилар ва ёлланма ходимнинг биргаликдаги меҳнатидан иборат.

Биринчи усул кичик СИУлари, яъчи маҳаллий сув манбаларидан фойдаланмайдиганлар учун тегишли. Иккинчиси, жуда кенг тарқалган шакл бўлиб, йирик СИУ ёки уларнинг федерацияларнда қўлланилади. Учунчи усул эса хўжалик ичидаги тармоқ сув истеъмолчилар томонидан, хўжаликлараро тармоқ ёллаган ходим томонидан таъминланган ҳолларда амал қилади.

СИУ хизматчилари ролини ташкилий ва техник жиҳатларга ажратиш мумкин. Ташкилий хизмат вазифалари (президентлик лаюзими, кенгаш аъзолари, хизматчи вазифалари) СИУ ўз ишлари билан боғланган бўлса, техник ва вазифалар сув хўжалиги тармоғи техник эксплуатацияси билан шуғулланади. Аввалгилари, одатда, СИУ аъзолари ичидан сайлаб олинади ва ҳар доим ҳам ўз вазифаларини бажарганликлари учун ҳақ олишмайди. Техник лавозимларни, одатда, сувдан фойдаланувчи ёки СИУ аъзоси бўлмаган ёлланма ходимлар эгаллайди. Шунга мувофиқ, СИУ йирик ва мураккаб тузимиларни бошқаришни бошлагани сари, янги-янги хизмат вазифалари: мутахассис бошқарувчилар, иқгисодчилар, аудиторлар, ҳуқуқшунослар ва увдан кейин социологлар, компьютер операторлари, тупроқшунослар ва бошқалар пайдо бўлади. СИУ ва давлат тузилмалари ўртасидаги фарқ СИУ сайлов жараёнида ҳамда раҳбар ва техник ходимларнинг ҳисобот беришида кўрилади. Давлат тизимида раҳбар ва техник ходимлар юқори структуралар томонидан тайинланади ва уларнинг олдида ҳисобот беради. Раҳбар ва техник ходимларнинг СИУ аъзолари олдида ҳисобот бериш механизми вазифаларнинг борган сари ихтисослашиб боришида катта аҳамият касб этади.

**Ташқи шарт-шароитлар.** СИУ барқарор ишлаши фақатгина СИУ ички тузилишини мукамал ташкил этиш билангина эмас, балки ташқи шароитнинг таъсири ташқи ёрдам ва ташқи омилларни жалб этиш кабилар билан ҳам боғлиқдир. СИУни ташкил этиш ва бошқариш ишларига қисқа муддатли ёрдам кўрсатиб, унинг самарасини жуда тез вақт ичида намоён бўлишини кутадилар, шундан кейин эса улардан пайдо бўлаётган муаммоларни ташқи ёрдам ва ташқи омилларсиз удалай билишларини кутадилар. Агар СИУ дастлабки пайтларда

муваффақиятларга эриша олмаса, улар мана шу асосида сув хўжалиги комплексини бошқаришнинг истиқболсиз ташкилотлари қаторига кўшиб кўйилади. Шунинг учун ҳам СИУнинг барқарор ва самарали ишлаши учун қандай таъсир ва ёрдамлар чоралари кўрилиши керак деган масалани жуда муҳим деб ҳисоблаш керак.

**Сув истеъмолчилар учун рағбатлантирувчи омиллар.** СИУнинг дастлабки ютуқлари ва барқарор ишлаши сув истеъмолчилар учун сезиларли бўлган рағбатлантирувчи омиллар билан боғлиқ бўлиб, бу нарсалар сув истеъмолчиларнинг СИУда фаол иштирок этишлари учун муҳим омил ҳисобланади. Сув истеъмолчилар сув хўжалиги тармоғини таъминлаш ва ривожлантиришда жиддий харажатлар сарф этар эканлар, улар мана шу харажатларнинг бошланғич ёки кейинги босқичларда қопланишидан тўғридан-тўғри манфаатдордирлар. СИУни ташкил этиш ва ривожлантиришда сув истеъмолчиларни рағбатлантиришга кўмак берадиган асосий тадбирлар қуйидагилардан иборат.

Сув хўжалиги тармоғини техник такомиллаштириш сувнинг исроф бўлишини пасайтиришни таъминлайди, эксплуатация учун харажатларни иқтисод қилади. Анча самарали ва ишончли усулда сув келтириш. Сув истеъмолчилар жуда арзон сув ва энергияни хар доим ҳам афзал деб билмайдилар. Улар ишончли ва қулай бўлган хизмат учун анча кўп маблағ тўлашга ҳам тайер.

Меҳнат унумдорлигининг ўсиши ва даромадларнинг ошиб бориши. Сув хўжалиги хизматини яхшилаш ҳисобига ишлаб чиқаришнинг потенциал ўсиши сув истеъмолчилар учун муҳим рағбатлантириш омилли ҳисобланади. СИУ сув истеъмолчилар ҳуқуқининг кенгайтирилиши сув истеъмолчиларга ташқи ва ички масалаларни ўзлари ҳал этиш имконини беради. Ўз зиммасига анча кенг вазифаларни олган сув истеъмолчилар хизмат учун ҳақ тўлашни аниқлаш, сув узатиш жадвалини тузиш, сув олиш учун ҳуқуқ бериш ёки уни олиб қўйиш ва бошқа масалаларни ҳил этишда катта таъсир кўрсатадилар. Шунингдек, сув истеъмолчилар ўртасидаги СИУ ва ташқи ташкилотлар ўртасида сув тақсимлаш билан боғлиқ келишмовчиликларни ҳал этадилар. Сув истеъмолчилар ўзларига тегишли қарорларни қабул қилишда иштарок этган вақтларда кўпинча баҳслар тезкор ва дўстона ҳал этилиши мумкин. Харажатларни қискартириш ва келишмовчиликларни ҳал этиш шарт бўлган ижтимоий танглик даражасини пасайтириш сувдан фовдаланувчилар учун энг яхши рағбатлантириш ҳисобланади.

**СИУнинг молиявий бойлиги.** Сув хўжалиги тармоқларини таъминлаш учун катта маблағнинг кераклиги ва давлатнинг ушбу маблағни қоплай олмаслиги уларни СИУ бошқармасига бериб юборилиши учун асосий сабаб бўлади. Бироқ ушбу харажатларни тўлиқ қоплашда СИУнинг молиявий имкониятлари тўлиқ ҳисобга олинмайди. Давлатнинг катта субсидияларини талаб қиладиган тизимлар СИУ маблағи ҳисобидан таъминлана олишларига умид килолмайдилар. Бундай ҳолларда СИУ таъмирлаш эксшгуатация ишлари хажмини қискартиришга мажбур бўлади ёки бу ҳол банкротликка олиб келиши мумкин. Агар сув истеъмолчиларнинг таъминлаш учун сарфлайдиган

харажатлари суғориладиган ерлардан олинадиган ялпи ёки соф даромадининг катта қисмини ташкил этса, у ҳолда СИУнинг барқарор ва муваффақиятли ишлаши эҳтимолдан узоқ. Бу айниқса, эксплуатация учун катта чиқимлар сарфлаш билан машинада суғориш тизимига тегишлидир.

**Асосий сиёсат.** Маҳаллий даража доираси ва ирригация секторидан ташқаридаги давлат сиёсати СИУ фаолиятига бевосита таъсир кўрсатади.

Жамоатчилик фаолияти учун очилган маъмурий децентрализация, режимлар СИУ фаолияти учун қулайдир. Шунинг билан бирга тоталитар режим ҳар доим ҳам СИУ тузиш учун тўсик бўлолмайди. Молиявий децентрализациялаштириш сиёсати СИУнинг тараққиёти учун қулай шароитлар яратиб беради. Сув учун баҳо белгилаш сиёсати ҳам СИУ ташкил этишга жиддий таъсир кўрсатади. Сув хўжалиги суғориладиган майдонга боғлиқ ҳолда ҳақ тўлашнинг асосий нормаси нарх белгилашнинг, айниқса, ривожланаётган мамлакатларда жуда кенг тарқалган шакли ҳисобланади. Гарчи, суғоришнинг самарадорлиги нуқтаи назаридан, сув микдорига ёки унинг муқобил нархи учун ҳақ тўлаш қарх белгилашнинг анча мукаммалашган механизмини қўллаш жуда қийин, катта микдордаги сув истеъмолчиларга эга йирик сув хўжалиги системалари шароитида деярли қўллаш мумкин бўлмайди. Бундай шароитларда СИУ йирик давлат тизимидан сувни сотиб олувчи «улгуржи харидор» сифатида майдонга чиқади, шундан кейин сув истеъмолчилардан сув учун пул йиғиб олади. Экин майдонлари таркибини сув истеъмолчиларнинг ўзлари томонидан белгиланишига ва уни оптимал нархларда сотишга имкон берадиган қишлоқ хўжалиги сиёсати СИУ тараққий этишига ёрдам беради. Сув истеъмолчиларга топширилган қишлоқ хўжалиги ўсимликларини экишга ва уларни белгилаб берилган нархларда сотишга мажбур этадиган давлат сиёсати сувдан фойдаланувчиларда ўз маблағларини сув хўжалиги системасини бошқариш учун сарф этиш учун бершига ундамайди. СИУни ташкил этишда агросервис инфратузилмасини ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотувчи бозорларни ривожлантириш ижобий таъсир кўрсатади.

**Ҳуқуқий база.** СИУнинг барқарор ишлаши қонун билан белгиланган ҳуқуқий мавқеи ҳамда ҳуқуқ ва бурчлари билан боғлиқ бўлиб уларнинг бозор муносабатлари шароитларида давлат қорхоналари билан ҳамкорлик қила олишларига имкон яратади. Қуйидаги асосий шартлар қонун чиқариш йўли билан мустахкамланган бўлиши лозим.

СИУнинг сувни тақсимлаш ва давлат сув хўжалиги тармоғидаги келишмовчиликларни ҳал қилишда иштирок этиш ҳуқуқи.

Ўз аъзолари ресурсларини сафарбар қилиш ҳуқуқи (ва потенциал бошқа манбалардан ҳам). Хизматга ҳақ тўлаш ҳажминини аниқлаш ҳуқуқидан ташқари ҳақ тўламаётганларга сув беришини тўхтатиш ёхуд жиддий жазо чораларини кўриш ҳуқуқи.

Банкда ҳисоб рақами очиш ва иш юритиш ҳамда ҳуқуқий шахс сифатида кредитлар олиш.

Ирригация иншоотларига эгалик қилиш ва (ёки) сувдан фойдаланиш ҳуқуқи. СИУни мустахкамлашдан ташқари ирригация иншоотларига эгалик қилиш сув истеъмолчилар манфаатдорлигини оширади ва уларни самарали

ишлатишга бўлган рағбатини оширади. Сувдан фойдаланиш ҳукуки энг кам тарқалган ҳодиса ҳисобланади, бироқ СИУга сув ресурсларини тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилиш имконини беради ва агар сувни икгисод қилиш: суғориш майдонларини кўпайтириш, намликни яхши кўрадиган, иктисодий жихатдан фойда келтирадиган ўсимликларни етиштириш, ортиқча сувни сотиш каби шаклларда фойда келтирса, сувни иқгасод қилиш учун рағбатлантирувчи омил ҳисобланади.

Раҳбарият фаолиятини назорат қилиш учун шароит яратиш. Молиявий ва ишлаб чиқариш раҳбарлари фаолиятини назорат қилиш механизмнинг мавжуд эмаслиги СИУ аъзоларининг айрим гуруҳлари ўртасида ишончсизликнинг пайдо бўлишига жиддий сабаб бўлади.

Сув хўжалиги тизимида таъмирлаш-эксплуатация ишларини ба-жаришда пудратчиларни эркин танлаш ҳукуқи.

СИУнинг кўп мамлакатларда амалда фаолият кўрсатиш тажрибаси шуни кўрсатадики у сув хўжалиги тармоғидаги иш кўрсаткичларини давлат структураларига ва уюшмаган сув истеъмолчиларга нисбатан яхшилаш учун кўпроқ ёрдам беради. Жумладан, сув тақсимлашни ишончли, тезкор ва объектив амалга ошириш, эксплуатация ва тубдан таъмирлаш учун харажатларни камайтириш, суғориладиган ерлар маҳсулдорлигини оширишга имкон беради. Буни сув истеъмолчиларда сув хўжалиги истеъмолларини бошқаришга ҳақиқатдан таъсир эта олиш имкониятлари борлиги ва сувга бўлган ҳақиқий эҳтиёж ҳақидаги анча сифатли ахборотларга эга эканлиги билан тушунтириш мумкин. Ундан кейин, сув хўжалиги тармоғини таъминлаш ва ривожлантириш бўйича муайян чиқимлар сарфлаётган сув истеъмолчилар кўшимча харажатларни иш ҳақи фондини, моддий-техник ресурслар учун харажатларни оқиллик билан пасайтириш ҳисобига камайтиришдан манфаатдордирлар. Шу билан бирга сув истеъмолчилар сув хўжалиги тармоқларининг молиявий бадавлатлигидан кам манфаатдор эмаслар, чунки уларнинг молиявий аҳволи ҳам шунга боғлиқ.

СИУни ташкил этиш учун сув ресурсларини бошқаришнинг мавжуд ташкилий тузилишидан ёки иқгисодаётнинг бошқа соҳаларидаги мавжуд намуналардан бор имкониятларни ишга солиб фойдланиш мумкин.

СИУнинг аъзолари ижтимоий аҳволи, мулкӣ аҳволи ва келиб чиқиши жихатидан бир-бирига нисбатан ўхшаш бўлса, бундай СИУ анча барқарор бўлади.

СИУнинг ягона оптамал майдони мавжуд эмас. СИУнинг ўсиб бориши билан харажатларнинг умумий миқдори ошиб боради ва унинг аъзолари вазифаларининг бажарилишини назорат қилиш қийинлашади. Шунинг билан бирга катта СИУлар учун солиштирма чиқимлар камаяди ва сув хўжалиги тизимини бошқариш бўйича анча катта кўламдаги ва мураккаб вазифаларни бажариш имкони пайдо бўлади. СИУ федерациясининг ташкил топиши уларга майда СИУ афзаллигини сақлаб қолган ҳолда катта масштабда фаолият кўрсатиш имконини яратади.

СИУ доирасида тузилма ва вазифалар унинг тижоратлашганлиги ва бозор муносабатларининг тараққиёт даражаси билан боғлиқ. Уларнинг ривожланиши

туфайли Уюшма аъзолари меҳнатини алмаштириш тўғридан-тўғри ихтисослашган ёлланма ходим меҳнатидан фойдаланиш имконияти туғилади. СИУни ташкил этишнинг иккита модели жуда кенг тарқалган.

Биринчи модел СИУ ишларида барча аъзоларининг тўғридан-тўғри иштирок этишлари билан ишлайди ва одатдагидек у кичик кўламда бўлади. Бундай ташкилотлар ижтимоий жихатдан ўхшаш ва ижтимоий жихатдан бири-бирига яқин ҳамда ер участкаларига, ривожланмаган бозор муносабатларига ва суғоришнинг содда технологиясига эга бўлган жамоалар учун ўринлидир.

Иккинчи модел анча катта кўламдаги СИУлар эга бўлиши мумкин бўлган анча ихтисослашган ташкилотни намойиш этади. Улар умуман қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан эмас, балки асосан сув хўжалиги фаолияти билан шуғулланадилар. Бундай СИУлари анча йирик ер эгаллиги, сезиларли даражада ривожланган бозор ва мукамал технологиялар асосида яратилади.

Сув истеъмолчиларнинг СИУдан манфаатдорлигининг кафили уларнинг уюшмаларда иштирок этишлари учун чиқимлардан келадиган фойдани ошириш ёки тенглаштириш ҳисобланади.

Давлат ҳам, агар СИУлар унинг сув хўжалигини таъминлаш ва ривожлантириш учун берадиган субсидияларининг пасайишига ёрдам берадиган бўлса, СИУ тузиш ва уларни кўллаб қуватлашдан манфаатдордир.

СИУга бирлашган сув истеъмолчилар анча юқори даражада бўлган мураккаб сув хўжалиги тармоғини бошқаришга қодирдир. Бирок, бунинг учун сувдан фойдаланиш қоидалари давлат томонидан доимий кўллаб-қувватланиши ва СИУнинг узоқ муддат барқарор туриш учун тегишли ҳуқуқий таъминот талаб этилади. Бу ташқи ташкилотлар билан ўзининг ўзаро муносабатларини самарали аниқлашга имкон берувчи фавқулодда муҳим шарт ҳисобланади. Ҳуқуқий асос СИУ аъзоларининг маҳаллий шароитга мослашишлари, уларнинг ҳуқуқ ва бурчларини тенглаштириши лозим бўлгани учун ҳам етарли даражада мослашувчан бўлиши керак.

СИУ ўз зиммасига қўшимча вазифалар олганига қараб давлатнинг мавқеи ўзгариши мумкин бўлсада, давлат СИУнинг узоқ вақт барқарор ишлашини таъминлаш учун ўз мавқеини сақламоғи лозим. Давлатнинг доимий вазифаларига: сувдан фойдаланиш ҳуқуқини белгилаш ва унга тузатишлар киритиш, сув ресурсларидан фойдаланишни тартибга солиш, СИУ фаолияти учун зарур ҳуқуқий базани таъминлаш, малакали ходимлар тайёрлаш, шунингдек қўйта таъмирлаш ва янги сув хўжалиги иншоотлари қуриш дастурларини маблағ билан таъминлаш қиради.

## Хулоса ва таклифлар

Ер-сув ресурслари ва умуман барча ишлаб чиқариш воситалари давлатнинг танҳо ихтиёрида ҳисобланган. Бундай ҳолат деҳқон ва меҳнаткашларнинг ишлаб чиқариш вооситаларидан маҳрум бўлишига, мулкка эгалик ҳиссиётинининг йўқолишига ва натижада ишлаб чиқариш самарадорлигининг мунтазам пасайишига олиб келди. Шу нуқтаи назардан ҳам, республикамиз мустақилликка эришган дастлабки йиллардан бошлаб кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш мақсадида аграр секторда таркибий ўзгаришларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Биз юқорида келтирилган фикр ва мулоҳазалардан келиб чиқиб, қуйидаги таклифларни берамиз:

1. Техник кузатувни ўтказиш пайтида қуйидаги тақиқланган фактларга эътибор бериш керак:

- очик коллекторларда тупрок тўсиқларни ўрнатишга;
- СИУ тавсиясиз коллектор-зовур сувларидан суғоришга фойдаланишига;
- ёпик зовурдаги кузатув қудуқларининг герметик халқаларининг бузилишига, уларга устки сувларни ташлаш учун туйнуклар очишга;
- зовур устки полосаларида чуқур илдизли буталар, дарахтлар экишга;
- зовурларнинг қуйиладиган жойларини ахлатлар билан ифлослашга;
- ёпик зовурларнинг қуйиладиган жойлари устидан устки пайнов сувларини ташлашга;
- қуйиладиган жойлардаги зовур қувурларини очиб олиш ва чиқариб ташлашга;

Сув ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш буйича асосий тафсиялар сифатида қуйидагилар зарур:

1. Халқ хўжалигини ҳамма соҳаларида сувдан фойдаланишни ёпик тизимга боскичма-боскич ўтишни амалга ошириш;
2. Сув хўжалиги комплексларини ҳамма майдонларида шаклланадиган окова сувларни тўлик тозалаб сув хавзаларига ташлашни каътиян назорат этиш; ҳамда сугорма деҳқончиликда шаклланаётган зовур ташлама сувларини дарё ёки ер ости сувлари билан маълум муносабатда аралаштирилиб ерларни сугоришда фойдаланишга ўтилиши мақсадга мувофиқдир;
3. кишлоқ хўжалигида, чорвачиликда, саноат тизимларида сувдан фойдаланишни ёпик тизимга ўтиши билан окова сувларини тозалашни самарали, иқтисодий услубиятларини тадбик қилиш; ҳамда окова сувларини тозалаш технологиясини мукамаллаштириш;
4. Барча аҳоли яшаш жойлари канализация шаҳобчалари ва окова сувларини тозалаш иншоатлари мажмуаси билан жихозлашни тезлаштириш шарт;
5. Чорвачилик мажмуалари ва фермалар окова сувларини тўплагичларда (ховузлар) тиндирилиб кейинчалик ем хашак етказувчи далаларни сугоришда ишлатилиши шарт;
6. кишлоқ хўжалик экинлари зараркунандалари ва касалликлари билан курашишида, биологик услубиятлардан фойдаланишни кенгайтириш;

Юқоридаги тавсияларни амалга ошириш сувдан фойдаланишни оқилонлаштиришни уни бефойда сарфини камайитиришни, халқ хўжалиги

сохаларини сув билан таъминланганлик даражасини ошириш имкониятини яратади ҳамда мавжуд сув ресурсларини ифлосланишдан, булгаланишдан ва микдорини камайиб кетишидан давр талаби даражасида муҳофаза қилишга имкон яратади. Демак диссертацияда ишлаб чиқилган тавсияларни амалга оширилиши куйидаги ижобий натижаларни бериши муқаррар:

- Халқ хУжалиги тармоқларини сув таъминоти яхшиланади;
- Сув ресурсларидан (ер усти ва ер ости) фойдаланиш коэффициенти 1,5-2 баробар ошади;
- Оқова сувлардан қайта фойдаланиш ер усти ва ер ости сувларини ифлосланишини тУхтатади;
- Хавзани гидроэкологик ва умумий экологик ҳолати яхшиланади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

### I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари ва ҳукумат қарорлари:

1. Қонун. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси –Тошкент, Ўзбекистон, 1999. –16 б.
2. Қонун. Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуни (Янги таҳрирда)// Халқ сўзи. – 15 октябр 2004 йил
3. Қонун. Ўзбекистон Республикасининг «Мулкчилик тўғрисида» ги қонуни. //Ўзбекистон Республикаси қонун ва фармонлар. –Тошкент, Ўзбекистон, 1992. -19 б.
4. Қонун. Ўзбекистон Республикасининг «Ижара тўғрисида» ги қонуни. // Ўзбекистон овози. 10 январ 1992 йил.
5. Қонун. Ўзбекистон Республикасининг «Ер кодекси». // Солиқ тўловчининг журнали, -Тошкент, 1998. № 7-8. –Б. 12.
6. Қонун. Ўзбекистон Республикасининг «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги қонуни. // Солиқ тўловчининг журнали, Тошкент, -1998. -№7-8. –Б. 21-25.
7. Қонун. Ўзбекистон Республикасининг “Дехқон хўжалиги тўғрисида”ги қонуни. // Халқ сўзи. 6 июн 1998 йил.
8. Қонун. Ўзбекистон Республикасининг Мехнат Кодекси, -Тошкент, Адолат. -1999. –136 б.
9. Қонун. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси. –Тошкент, Адолат. -1999. –21 б.
10. Қонун. Ўзбекистон Республикасининг Лизинг тўғрисидаги қонуни. // Хўжалик ва ҳуқуқ. –Тошкент, 1999. -№ 6. – Б. 5.
11. Қонун. Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги қонуни. // Халқ сўзи. 7 январь 2012 йил.

### II. Президент И.Каримов асарлари, маърузалари ва нутқлари:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон ўз истикдол ва тараққиёт йўли. Т., «Ўзбекистон», 1992. 78 бет.
652. Каримов И.А. Ўзбекистон - келажак буюк давлат. Т., «Ўзбекистон», 1992. 62 бет.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий сиёсатини устувор йўналишлари. Т., «Ўзбекистон», 1993. 56 бет.
4. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т., «Ўзбекистон», 1994. 299 бет.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т., «Ўзбекистон», 1995. 269 бет.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., «Ўзбекистон», 1997. 326 бет.
7. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т., «Ўзбекистон», 1998. 686 бет.

8. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интиломда: Президент Ислам Каримовнинг биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIV сессиядаги маърузаси. 1999 йил 14 апрел. Т., «Ўзбекистон», 1999. 48 бет.
9. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. Т., «Ўзбекистон», 2000. 112 бет.
10. Каримов И.А. Ислохотлар стратегияси - мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришдир. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2003 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузаси. 2003 йил 17 феврал // Халқ сўзи, 2003 йил 18 феврал.
11. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. Т.: Ўзбекистон, 2005. -96 б.
12. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари, иқтисодий ислохотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2004 йилда иқтисодий янада эркинлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган йиғилишидаги нутқи. “Халқ сўзи” 2004 йил, №28.
13. И.А.Каримов. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари кўшма мажлисидаги маърузаси. Туркистон газетаси, -Тошкент, 2005. 29 январь № 8. (14817.).
14. И.А.Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари. -Тошкент: Ўзбекистон, 2009. -41 б.
15. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида 2009 йилда мамлакатимизни ижтимоий – иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2010 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи. – 2010. 30 январь
16. И.А.Каримов. БМТ саммити мингйиллик ривожланиши мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқи. Халқ сўзи, 2010 й. 22 сентябр.
- 18 Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик ва Сенатининг кўшма мажлисидаги маърузаси. “Халқ сўзи” 2010 йил 13-ноябрь.
19. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш-траққиётимизнинг муҳим омилидир. “Туркистон” 2010 йил 8-декабрь.
20. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. “Туркистон” 2011 йил 22-январ.

21. Каримов А.И. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида 2011 йилда асосий яқунлари ҳамда 2012 йилда Ўзбекистонни ижтмий иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи. – 2012. 20 январ
22. Каримов И.А. Мустақилликка эришиш остонасида Т: “Ўзбекистон”, 2011.-440 б.

### Ш. Илмий асарлар ва рисоалар.

1. Воҳобов А.В. Бозор муносабатларига ўтиш босқичидаги кўп укладли иқтисодиёт ва унинг такроран ҳосил бўлиши. Т., «Молия», 2002. 330 бет.
2. Узбекистан: десять лет по пути формирования рыночной экономики Колл. Авт.: Р. А. Алимов, А. К. Бедринцев, А. Ф. Расулов и др.// Под ред. А.Х. Хикматова. – Т.: Ўзбекистон, 2001.- 352 б.
3. Хақимов Р., Отақулов М., Юсупов Э., Юсупов М.С. Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти. – (Ўқув кўлланма) Т., ТДИУ, 2004.-160 б.
4. Салимов Б.Т., Ҳамдамов Қ.С., Беркинов Б.Б., Хақимов Р., Юсупов М.С., Орипов М.А., Ўроқов Н.И. - Дехқон ва фермер хўжаликлари иқтисоди – (Ўқув кўлланма) –Т.: ТДИУ, 2004. – 176 б.
5. Салимов Б.Т., Ҳамдамов Қ.С., Турсунхўжаев Т.Л., Тўрахўжаев Т.И., Ҳақимов Р.Х., Ўроқов Н.И, Арипов И.М. -Жаҳон қишлоқ хўжалиги. – (Ўқув кўлланма) – Т.: ТДИУ, 2004. – 128 б.
6. Абдуғаниев А., Абдуғаниев А.А. – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти – (дарслик). – Т.: ТДИУ, 2004. – 304 б
7. Джумақулов Т.Т., Сафарова З.Г. Использование трудов И.Каримова в преподавании экономической теории и его вклад в ее развитие. Т., «Абу Али ибн Сино». 2002. 231 с.
8. Каримов Р.К., Каримова Т.А. Миллий модел муаммолари. Т., «Ўзбекистон», 1993. 64 бет.
9. Каримова Г. Политико экономические реформм в Узбекистане: реалии и перспективы1. Т., «Ўзбекистон», 1995. 44 с.
10. Комилова Ф. Халқаро туризм бозори. Т.: 2001. 64 бет.
11. Макконелл К.Р., Брю С.Л. Экономикс: Принципш, проблемш и политика. В 2-т. Пер. с англ. 11-го изд. Т.1. М., «Республика», 1992. 399 с.
12. Расулов М. Бозор иқтисоди асослари. Т., «Ўзбекистон», 1997. 383 бет.
13. Тўхлиев Н. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти. Т., «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси». 1998. 239 бет.
14. Тўхлиев Н., Таксанов А. Национальная экономическая модель Узбекистана. Т., «Ўқитувчи», 2000. 367 с.
15. Узбекистан десять лет по пути формирования рыночной экономики. Т., «Ўзбекистон», 2001. 348 с.
16. Шодмонов Ш., Фанихўжаева Ф. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ижтмий такрор ишлаб чиқариш. Т., «Ўзбекистон», 1993. 175 бет.
17. Шодмонов Ш., Алимов Р., Жўраев Т. Иқтисодиёт назарияси. Т., «Молия», 2002. 415 бет.

18. Ғуломов С.С. Ўзбекистон Республикаси: бозор иқтисодиётига ўтиш йўли. Т., «Фан», 1996. 131 бет.
19. Ғуломов С.С. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти. Т., «Меҳнат», 1997. 205 бет.
20. Ғуломов С., Убайдуллаева Р., Ахмедов Э. Мустақил Ўзбекистон. Т., «Меҳнат», 2001. 246 бет.
21. Хамроев «Қишлоқ хўжалигида ислохатларни чуқирлаштиришда сувдан фойдаланувчилар уюшмасининг ўрни». «Тўлқин» нашриёти 2006 йил.
22. «Форғона водийсида сув ресурсларини бошқаришни мувофиқлаштириш». Лойиҳаси. Сувдан фойдаланувчилар уюшмаси қандай ташкил қилинди. 2003-2006 йил.
23. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги «Сувдан фойдаланувчилар уюшмаларини ташкил қилиш бўйича услубий қўлланма. Тошкент 2003 йил.
24. USAID. WUASP. Марказий Осиёда сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштиришга амалий тажрибаларни тадбиқ этиш. Ахборот бюллетенлари.

#### **IV. Интернет сайтлар**

1. Петранева Г.А., Экономика и управление в сельском хозяйстве. Учебник. 2004, <http://textbook.ru/catalogue/book/33320.html>
2. Петранева Г.А., Экономика и управление в сельском хозяйстве, Академия, 2003, <http://rbip.bookchamber.ru/description7897.htm>
3. Н.А. Попов «Основы рыночной агроэкономики и сельского предпринимательства», М: Тандем /ЭКМОС, 2002, <http://family.taukita.ru/item22219310.html>
4. Н.А.Попов. Экономика отраслей АПК. Курс лекций, 2002, <http://shopper.h1.ru/books.shtml?topic=935&page=1>
5. Н.Я.Коваленко, Экономика сельского хозяйства, М.: «ЮРКНИГА», 2004, <http://web.book.ru/cgi-bin/book.pl?page=4&book=88899>
6. [www.bearingpoint.uz](http://www.bearingpoint.uz)
7. [www.classis.ru/pages/classis/6/48/](http://www.classis.ru/pages/classis/6/48/)
8. [www.finansy.ru/publ/mark](http://www.finansy.ru/publ/mark) Radio Tashkent International. [http://info.uzpak.uz/uzb/econom\\_uzb/](http://info.uzpak.uz/uzb/econom_uzb/)
9. Recently Published Books. [www.eastview.com](http://www.eastview.com)
10. Мардонова А.Т., Исҳоқова С.А. Аграр соҳада мулкӣй муносабатларни рўёбга чиқаришнинг долзарб услублари. [www.ski.ilm.uz](http://www.ski.ilm.uz)